Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
34 сон
25 —31 август, 2005 йил

АВЛОД ДАВОМ ЭТМОҚДА

— Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади, кўз очиб юмгунча ўтади кетади. Кечагина никоҳдан ўтган эдик, қаранг 60 йилга яқин бирга яшаб қўйибмиз, — дея сўз бошлади Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шароф Рашидов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Забиҳулло ота. — Ёшим 77 га кирди, сарҳисоб қилиб кўрсам ёмон яшамапмиз. Аслида инсон бу дунёда ўз қилмишларига, яхшилик ва ёмонликларига яраша жавоб олар экан. Айниқса кексайган чоғида қай аҳволга тушиши ёшликдаги амалларига боғлиқ экан. Шунинг учун, ҳам элда "Кексайганда хор қилма", деган гап юради. Мақтанишга йўйманг-у ўз оиламни юртимиздаги энг бахтли оилалардан бири деб биламан. Бахтимиз шундаки оиламиз анчагина катта бўлишига қарамасдан жуда иноқ, тинч. Оллоҳ еттита фарзанд берди. Мана бугун уларнинг ҳам ўз оилалари, ҳатто баъзиларининг фарзандларининг ҳам ўз оилалари бор. Демакки авлод давом этмоқда.

Отаҳоннинг бу дадил сўзларини тинглар эканман, энди Маҳфуза аяни суҳбатга тортдим.

- Ая, ёшликда отахон сизни кўп рашк қилиб, тергаб, феъли торлик қилиб қийнамаганларми?

- Бизнинг оиламизда мен эрман, сендан устунман, деган гап бўлмаган. Ҳар доим бамаслаҳат иш кўрганмиз. Болалар тарбияси, рўзғор харажатлари ҳам иккимиз учун бирдек ташвиш бўлган. Ҳозиргача ҳатто невараларимизнинг ташвиши ҳам бизнинг назоратимизда. Шундан бўлса керак, бирор марта келинларимни аразлаб кетиб қолганини эслолмайман.

- Келинларни ким танлаган, ўғилларингизми, ёки сиз?

- Ўзим танлаб, суриштириб, совчи бўлиб борганман. Ўғилларим ҳам айтган қизимни олишган. Менга ёққани уларга ҳам ёққан. Ахир ота-она ёмонини танламайди-ку. Фарзандларимнинг барчаси ўқимишли, мен фарзанд деганда келинларимни ҳам назарда тутаяпман. Чунки улар ҳам болаларим ортидан келган болам. Ўқиганда гап кўп. Ўзим ҳам қирқ йил математика ўқитувчиси бўлиб ишладим, амакингиз 45 йил "Қизил тонг" фабрикасида фаолият кўрсатди. Шукрки фарзандлар қуршовида соғ-омон, қарилик гаштини суриб юрибмиз.

Оиланинг иккинчи келини Шоҳиста Абдусаттаровани суҳбатга чорладим.

- Бу хонадонга келин бўлиб тушганимда 21 ёшда эдим. Ота уйимда эркароқ бўлиб ўсганлигим боис унча-мунча ишларни эпига келтиролмас эдим. Аммо шундай бўлсада ойижонимдан бирор марта дакки эшитмаганман. Ҳамма юмушларни ўзлари ўргатган. Мана, бу оилага келганимга 28 йил бўлибди. Тақдиримдан хурсандман. Қайнонам педагог бўлгани учунми биз келинларини ҳам давлат ишларида ишлашимизга шароит яратиб берган. Бирор марта овсинлар билан сен-менга бормаганмиз. Ҳар қандай оилавий тадбир, туғилган кунлар, байрамларда доим бир дастурхон атрофида ўтирамиз. Ҳали бирор ишни ўз билганимизча қайнона-қайнотамнинг маслаҳатисиз қилмаганмиз.

Ўзим қайнона бўлган бўлсамда, ҳалигача ойимдан ўрганаман, уларга суянаман, бу учун улар олдида доимо қарздорлигимни ҳис қилиб тураман.

- Менинг ёшим 52 да, - дейди оиланинг тўнғич ўғли Каримулло. - Аммо ҳамон ўзимни ота-онам бағрида гўдакдек ҳис қиламан. Ҳамон уларнинг меҳрига, маслаҳатига, насиҳатига муҳтожлик сезаман. Ота-онамни катта оиламизнинг устунлари деб биламан. Ҳали бирор марта ака-укалар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаган. Биз фарзандлар доим ота-онамизнинг кўнглини олишга ҳаракат қиламиз. Мана бу йил шаҳарда намунали оила деган номга эришдик. Буларнинг барчаси шу қимматли падарибузруквор ва волидаи муҳтарамамизнинг берган тарбиялари, кўрсатган йўллари туфайлидир.

Дарҳақиқат, пойдевори мустаҳкам қурилган оила аъзолари билан суҳбатлашиб қайтарканман, ватанимизнинг ҳар бир оиласига шундай бахт насиб этишини чин дилдан тиладим.

Матлуба ШУКУРОВА

ҲАҚИҚАТГА ҲАМОВОЗМИЗ!

Шу йил 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлисда 26 август куни очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашинди.

Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг "Хонобод" шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожеали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.

Қуйида ушбу мажлисда кўрилган масалалар юзасидан айрим юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини эълон қилмоқдамиз.

Мустақилликка эришганимиздан буён юртимизда қанча оламшумул янгиликлар бўлди, санаб охирига етмайсиз. Бироқ, энг азиз неъматлардан бири тинчликни айтинг!

Ўз юртингда бировларнинг буйруғига маҳтал бўлмасдан яшамоқнинг қандай азизлигини кўпчилик билади. Куни кеча 26 август куни Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўрилиши керак бўлган масалалар ҳақида матбуот орқали танишиб чиқдим.

Аввало, Андижон воқеалари ва Қашқадарё вилоятидаги "Хонобод" шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги масалалар қўйилганидан бағоят хурсанд бўлдим.

Яқинда Хонобод шаҳарчаси яқинидаги пахтачилик билан шуғулланувчи фермерлар ҳақида телевизион кўрсатувни кўрдим. Бу ҳолат атроф-муҳитга, вилоятнинг табиатига, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Пахта далаларидан самолётлар тинмай учиб туриши натижасида деҳқонлар анча зарар кўришаётгани, гўзалар қовжираб, сарғайиб ётганлигини кўриб, юрагим ачишиб кетди.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат-ку! Бунинг устига Хонободда ҳам инсонлар яшайди. Яшил табиатни сарғайтириб қуритаётган зарарли моддалар инсоннинг шўрини қуритмайдими? Бу йилимизни ҳурматли юртбошимиз "Сиҳат-саломатлик йили" дея бекорга эълон қилганлари йўқку! Авлодлари соғлом бўлган юртдагина маънавият ҳам соғлом бўлади-да. Мен ушбу кўрсатувни кўрганимдан буён, ташвишда эдим. Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги сессиясида бу масалага узил-кесил чек қўйилади, дея умид қиламан.

Мен ўзим бошқараётган қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳар доим тинчлик бўлишига ҳаракат қиламан. Нафақат маҳаллада, балки, ҳар бир оилада ҳам тинчлик бўлса, шу жойда барака бўлади.

Ахир биргина Андижонда бўлган хунрезликлар туфайли қанча тинчимиз бузилди? Андижон воқеалари юзасидан маҳаллamизда мажлислар ўтказдик. Маҳалладошларимизни ҳушёрликка чорладик. Энг долзарб вазифамиз эса тинчликни барқарор қилишга ҳисса қўшишдир.

Комилжон ҒОФУРОВ, Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

* * *

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 19 август кунидаги мажлисида Президентимиз бугунги вазиятни ниҳоятда тўғри баҳоладилар. Мустақилликнинг 14 йиллик бўй-бастига эришиш осон бўлгани йўқ. Гўдакнинг ҳам суяги қотгунча қанчалар эҳтиёт қилинса, мустақиллигимизни ҳам ёт шамоллардан асраш, эркимизни, фаровон турмушимизни кўролмаётган ҳасадгўйлардан ҳимоя қилишга бурчлимиз.

Андижонда бўлган мудҳиш воқеа ҳали-ҳануз юракларни титратади. Бу фожеа ҳақида тарқатилган нотўғри хабарлар ҳам ўша тинчлигимизга хавф солаётган террорчиларнинг иши эканлиги сир эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳар томонлама гуллаб-яшнаб бораётган ҳудуд соҳиблари сокин ҳаётларини алғов-далғовли кунларга, ўқ овозларига кўмилган лаҳзаларга, қонли манзараларга андуҳли хотираларга айлантиришни истармидилар?! Йўқ, албатта! Бир-икки ишёқмасни ёнига олиб, талотўпини "халқ" деган ғаламислар барибир мақсадларига етишолмадилар. Чор томонга чопиб: "Ўзбекистонда исён", деганларнинг овози бўғилди. Бу орада томошабардорлик қилганлар ҳам бўлди. Кескин муносабат кутилган ҳолатларда посангининг оғир палласини чамалаб ўтирганлар мулзам тортишгани аниқ. Она тупроғининг қадрини билганлар Қашқадарё вилояти "Хонобод" ҳудудида жойлашган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари мамлакатимизни тарк этишини сўрамоқда. Ёт кишининг бир оилага келиб, узоқ муддат яшаб қолиши қанчалик бесаришталик, ташвиш ва моддий зарар келтирса, америкалик ҳарбийлар ҳам қашқадарёликларга, ўзбекистонликларга шу қадар юк бўлди. Президентимиз маърузаларида бу ҳақда аниқ хулосалар келтириб, барчанинг кўнглидаги гапни айтдилар. Ахир меҳмоннинг ҳам иззати шунчалик бўлади-да!

Ойзода ОККЎЗИЕВА, Қашқадарё вилоят жиноят ишлари бўйича судьяси.

* * *

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати Кенгаши мажлисида сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Андижонда ўз ватандошларини, халқини террорчилардан ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг хотираси олдида бош эгаман.

Ёлғиз ўғлим ҳарбий бўлиб, Ватанни, халқимизни мардларча ҳимоя қилиш орзуси билан яшамоқда. Мен унинг орзусига қўшиламан. Агар оиламизда, маҳалламизда, қишлоғимизда биттагина одам бевақт дунёдан ўтса қанча қайғурамиз. Андижон фожеаси туфайли айрилиқ жабрини тортаётган ватандошларимизни яхши тушуниш учун ўз ота-онамиз, оғаниларимиз, фарзандларимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Нима бўлганда ҳам Андижон воқеаларининг такрорланишига йўл қўймаслик керак.

Ҳар бир мустақил давлат ўзини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлиши керак, жумладан, Ўзбекистон ҳам. АҚШнинг дунё тарихида тутган ўрнини, унинг бугунги кундаги халқаро нуфузини ҳеч ким инкор этмоқчи эмас. Бироқ, қандай қудратли давлат бўлмасин, халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузмаслиги, кичик давлатлар ва халқларнинг суверенитетини ҳурмат қилиши керак.

Мурод ЖУМАЕВ. Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-3434 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299 сонли қарори ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ташкилий, ташвиқот чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қабул қилинди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи (бундан кейин — маслаҳатчи) лавозими ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча (посёлка), қишлоқ ва овулларда жорий этилади.

1.2 Маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434 сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 299 сонли қарори, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тавсиялари ҳамда мазкур Низом асосида иш олиб боради.

1.3 Маслаҳатчи лавозимига ҳаётий тажрибага эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи талабларини сингдира олувчи, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир кўрсата оладиган, эл-юрт олдида обрў-эътиборга эришган ижтимоий фаол хотин-қизлар тайинланади.

Маслаҳатчи лавозимига тайинланадиганларнинг ёши 40 ёшдан юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1.4 Маслаҳатчи туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда тегишли фуқаролар йиғини кенгашлари томонидан ҳамкорликда танланади ва фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тайинланади.

Маслаҳатчи лавозимига тайинланадиган шахс ўзи фаолият юритадиган ҳудудда доимий истиқомат қилиши шарт.

1.5 Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан маслаҳатчи учун хизмат хонаси, телефон ва фаолият учун зарур техник воситалар ажратилади.

1.6 Маслаҳатчиларга Фармонда белгиланган разрядларга мувофиқ иш ҳақи тайинланади. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича 5— (қишлоқ жойларда) ва 6— (шаҳарларда) разрядлар даражасида белгиланади.

II. МАСЛАҲАТЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ИШ УСУЛЛАРИ

2.1 Маслаҳатчининг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари:

2.1.1 Маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2.1.2 "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маҳаллаларда чуқур ўрганиш ва ҳаётга жорий этишни фуқаролар йиғини кенгаши билан ҳамкорликда таъминлаш.

2.1.3 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид аҳоли таклифларини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш билан маҳалла аҳли орасида ижобий ташаббускорликни оширишга эришиш.

2.1.4 Фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро биродарлик, қардошлик туйғуларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон қонунчилиги, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан чоп этилган методик қўлланмаларга асосланиб фаолият олиб бориш.

2.1.5 Маҳалла аҳолиси ўртасида, жамиятда дунёвий ва диний қарашлар қарама-қаршилиги юзага келишининг олдини олиш.

2.1.6 Носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан, жумладан, экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашган ва жиноят қилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар бор оилалар билан алоҳида ишлаш, уларнинг ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш.

2.1.7 Маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар — турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш, уларни бартараф қилиш борасида мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш.

2.1.8 Маҳалла аҳолиси орасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш.

2.1.9 Миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига эришиш.

2.1.10 Маҳалла хотин-қизлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданиятини юксалтириш борасида аниқ тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.

2.1.11 Хотин-қизларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, фуқаролар йиғини кенгаши ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда аёлларни доимий иш жойлари билан таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга тадбиқ этилишига эришиш.

2.1.12 Маслаҳатчи ваколати доирасида туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

2.2. ИШ УСУЛЛАРИ

2.2.1 Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб боришда — самимий суҳбатлар, учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ва бошқа усуллардан кенг фойдаланиш.

2.2.2 Турли оммавий ахборот воситалари орқали маслаҳатчининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишлар ташкил қилиш.

2.2.3 Хотин-қизлар дунёқараши, маданий-ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга хизмат қилувчи жамоатчилик институтлари — клублар, марказлар, шунингдек, бадиий кечалар интеллектуал шоулар, танловлар ўтказувчи ижодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

2.2.4 Маҳалла ҳудудидаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий- демографик харитаси ва маълумотлар банкини яратиш, уларга асосланган ҳолда аҳоли орасида маънавий-тарбиявий ишлар олиб боришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш.

2.2.5 Носоғлом муҳит юзага келган оилалар аниқланганда, уларга ёрдам бериш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш, бу борада мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш,зарур ҳолатларда бундай оилалар муаммоларини ҳал этишда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

2.2.6 Муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда ишлаш, индивидуал суҳбатлар ўтказиш, бу борада бошқа маҳаллалар маслаҳатчилари билан тажриба алмашиш.

2.2.7 Маҳалладаги намунали оилалар ва обрў-эътиборга эга шахслар салоҳиятидан диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тадбирларни амалга оширишда самарали фойдаланиш, уларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш.

2.2.8 Фуқаролар йиғини ҳудудида норасмий лидер аёлларни аниқлаш, улар билан алоҳида ишлашнинг самарали шаклларидан фойдаланган ҳолда уларни фуқаролар йиғини фаолиятига жалб этиш.

2.2.9 Тегишли давлат ва жамоат (шу жумладан маҳаллий) ташкилотлари томонидан давлат нашриётлари орқали чоп этилган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид буклетлар, қўлланмалар ва рисолаларни фуқаролар йиғини кенгаши ёки фуқаролар йиғини раиси билан келишган ҳолда аҳоли орасида оммалаштириш.

2.2.10 Ҳудудда ўтказиладиган халқ сайиллари, миллий ва диний байрамларнинг ташкилий ва мазмуний жиҳатдан юқори даражада ўтказилишини таъминлаш, уларни ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишига эришиш.

III. МАСЛАҲАТЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

3.1. Ҳуқуқлари

3.1.1 Фуқаролар йиғини кенгашига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш масалалари бўйича, фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга доир, шунингдек, маҳаллалардаги энг намунали оилаларни ҳамда ижтимоий фаол фуқароларни рағбатлантириш борасида таклифлар киритиш.

3.1.2 Фуқаролар йиғини кенгашининг турли фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашиш.

3.1.3 Ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган қарорларни бажармаган ёки етарли даражада бажармаган шахслар фаолияти хусусида қонунда белгиланган тартибда фуқаролар йиғини ёки йиғин раиси (оқсоқоли) томонидан тегишли давлат идораларига тақдимномалар киритиш борасида таклифлар билдириш.

3.2. МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш.

3.2.2. Йилнинг ҳар чораги якунида ўзининг маслаҳатчи сифатидаги фаолияти юзасидан фуқаролар йиғинига ҳисобот бериш.

IV. МАСЛАҲАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА РАҲБАРЛИК ВА УНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

4.1 Маслаҳатчи фаолиятига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) бевосита раҳбарлик қилади.

4.2 Маслаҳатчилар фаолияти Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (1999 й.) Қонунининг 17-моддасига асосан тегишли ҳудудлар мувофиқлаштириш комиссиялари томонидан, шунингдек, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тавсиялари асосида фуқаролар йиғини кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4.3 Маслаҳатчиларга уларнинг функционал вазифаларига кирмайдиган, мазкур Низомда кўрсатилмаган топшириқлар берилмайди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси

Ахборот

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар колонияси билан 2005 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиққан эди. Мазкур режага мувофиқ йил давомида аёллар саломатлигига оид маърузалар, байрам тадбирлари, спектаклар намойиши, қизиқарли учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Мустақиллик байрамининг 14 йиллиги муносабати билан "Мустақиллик - олий саодат" мавзусида бўлиб ўтди.

Тадбирга эл севган санъаткор, театр ва кино актёри, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов ҳамда "Нихол" мукофоти совриндори, истеъдодли хонанда Исроил Саидумаровлар ташриф буюрдилар. Маҳбуса аёллар бетакрор образлар соҳиби Мурод Ражабов билан қизғин баҳс-мунозара қилдилар, дилдан суҳбатлашдилар. Хонанда Исроил Саидумаровнинг кўнгилга яқин қўшиқларидан баҳраманд бўлиб, рақсга тушдилар.

Феруза ОРИПОВА

ЭНГ ЯХШИ УЙ БЕКАСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ёзги мавсум давомида ёшларни бўш вақтини унумли ўтказишга чорлайдиган 11 йўналишдан иборат "Ёзни Камолот билан ўтказинг" лойиҳаси бўйича кам таъминланган оила фарзандлари учун қатор бепул ўқув курсларини очди.

23 август куни Бобур боғида Тошкент шаҳар "Камолот" ҳамда "Оила маркази" ҳамкорлигида ташкил этилган "Уй бекаси" бепул курсини "Компьютер саводхонлиги", "Пазандачилик", "Сартарошлик", "Бичиш-тикиш", "Уй ҳамшираси" йўналишлари бўйича тамомлаган 200 нафар қизларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар "Оила" маркази бошлиғи Гулнора Йўлчиева очиб, ўқув курси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганлиги боис, келгусида пойтахт ўғил болалари учун ҳам шу каби бепул ўқув курсларини ташкил этилиши ҳақида гапирди. Шунингдек ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган қизлар томонидан пиширилган таомлар, тикилган бисерлар кўргазмаси тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Адиба УМИРОВА

ЖАМИЯТДА АЁЛЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Муаттар Пўлатова очиб, хотин-қизларнинг ҳам жамиятда, ҳам оиладаги ўрни ҳақида гапирди.

Дарҳақиқат, аёлнинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Аёли фаол элда тараққиёт ривожланади. Мамлакатимизда ҳам хотин-қизлар фаоллигини ошириш, жамият тараққиётида уларнинг ўрнини сезиларли юксалтириш бўйича давлатимиз томонидан кенг қўламда ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Отахонова, "Миллий тикланиш" демократик партияси Маркази "Аёллар қаноти" ташкилотининг раҳбари Х.Мирзажонова, Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ф.Акбарова, Тошкент вилояти олима аёллар уюшмаси раиси Л.Ғофуровалар сўзга чиқишди. Улар ўз маърузаларида Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи давлат даражасига кўтарилгани ва ҳар бир аёлнинг манфаатини қонун ҳимоя қилиши ҳақида гапирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зуҳра Ботирова ўзбек аёлларининг тадбиркорлиги, илм, санъати, маданиятдаги жонбозликлари ҳақида сўзлади.

Ханифа ЗОКИРОВА

СИЗ БИЗ УЧУН АЗИЗСИЗ...

Яқинда қишлоқдошим Бувихон момонинг жанозасига бордим. Тумонат одамлар орасида илм берган устозим-Хўжамберган Дониёровга кўзим тушди. Домла 75 ёшни қоралади. У кўзида ёш билан бу дунёдан рихлат қилган момонинг фарзандлари, набираларига тикилиб турар, сезилар-сезилмас титрарди. Менинг у инсонни кузатаётганимни англаган ёнимдаги дўстим Пўлат:

- Ҳа, домланинг аҳволини сездингми, қандай келишган одам эди. Ўша шижоатидан асар ҳам қолмабди. Эсингдами, биз ундан ҳайиқар ва яна унга ҳавас ҳам қилар эдик. Лекин шундай олийжаноб инсон оиласидан тинмаган экан. Мана неча йилдирки, фарзандлари, хотини бўла туриб ёлғиз яшайди. Инсонга аввало яхши жуфт учрасин экан. Шу тушунмаган аёл хор қилди домлани. Болалари ҳам онасининг таъсирида отаси қадрига етмади. Домла эса фарзандларини юз-хотир қилиб бошқа оила қурмади. Ёлғизлик... пишир-куйдир дегандай... Мен, қўни-қўшнилар устозга ҳамдам бўлиб, юракларига тасалли бериб турамиз. Нафақа билан кун кечиради. Гоҳ-гоҳ туман марказига тушиб, дўстлари, таниш-билишлари билан чойхоналарда гурунглашиб келади.

Пўлатбек дўстимнинг титраб-титраб гапиришларини эшитиб, юрагим ачишиб кетди. Яна домлани кузата бошладим. У чўнтагидан дастрўмолини олиб кўз ёшини артди. Балки у ҳозир эрта бир кун мен ҳам бу дунёдан кетар бўлсам, ким кўмар экан, деб ўйлаётгандир. Во ажаб!!! Ёлғизликдан асрасин дейман! Жуфти ҳалолинг, фарзандларингдан Худо солсин экан дейман. Дўстим Пўлатбек менинг гапимни тасдиқлаб бошини ирғайди. Домланинг пўлат иродасига, орияти, поклигига, чин виждон эгаси эканлигига таҳсинлар дейман. Домлага Оллоҳдан узоқ умр тиладим. Ич-ичимдан "Устоз, хавотирга тушманг. Сизни азиз билгувчи қишлоқдошларингиз, шогирдларингиз бор", - дея ҳайқиргим келди.

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.

ОНА ВА БОЛА

СОҒ БЎЛСИН...

Пойтахтимизнинг Миробод тумани 5-сон туғруқ комплекси бош шифокори Павел Евстегнеев шундай дейди:

- Бўлғуси она ва туғилажак бола соғлиғи ҳамиша диққат марказимизда. Яқинда туғруқ комплексимиз қошида тиббий ташхис маркази ташкил этилди. Ушбу марказ пойтахтимизнинг Миробод, Ҳамза, Сирғали, Бектемир тумани фуқароларига хизмат кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, шинам ва озода марказ хоналари замонавий асбоб-ускуна, тиббий аппаратлар билан жиҳозланган. Ультратовуш ташхиси (УЗА), клиник ташхис, бактериологик ташхис каби хоналар мижозлардан бўшамайди.

- Марказимизнинг энг аҳамиятли бўлган жиҳатларидан бири шуки, бу ерда Ўзбекистонда ягона бўлган МАК-01 "Ч" аппарати мавжуд, - дейди шифокор Шохимардон Мингтўраев. - Бу аппарат ёрдамида 30 ҳафталик ҳомиланинг саломатлиги жуда аниқ белгиланади. Болалар ўлимини олдини олиш учун ушбу аппарат жуда муҳим.

Туғруқ комплексида гинеколог, туғруққа тайёрлаш бўлими бошлиғи С.Хасанова, даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Г.Коричкина, туғруқ бўлими бошлиғи, гинеколог Л.Ли, малакали ҳамширалар Ф.Қаюмова, Н.Курбонова, М.Мавлянова, З.Назарян каби жонкуярлар ўз меҳнатлари, беминнат хизматлари билан соғлом оила, она ва бола саломатлиги йўлида фидоийлик қилмоқдалар.

Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА

ЛЎЛИНИНГ ИҚРОРИ

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.



«Ҳаётим давомида фақат бир маротабагина фош бўлишимга сал қолган. Бу ҳам ўшандан икки йил аввал алдаб кетган жойимга, адашиб бориб қолганимда рўй берганди. Дастлаб буни ўзим ҳам билмагандим. Э-ҳе биз лўлилар қанча-қанча уйларга "ташриф буюрамиз". Хуллас уй эгасининг ўзи эслатди:

- Сиз икки йил аввал ҳам келиб, бир қўйнинг бошига етгандингиз. Эсингиздадир балки, ўшанда ҳам ўғлимга душманларимнинг шум нияти шикаст етказмоқчи бўлиб турганда, "холис" хизмат қилиб бизни бу балодан қутқарган эдингиз.

Уй эгаси мени дарҳол таниб, шу гапларни юзимга айтди. Унинг нафрат сезилиб турган ҳар бир сўзидан кейингина хотирамнинг қайсидир бурчагида сақланиб қолган "игна воқеаси" ёдимга тушди. Ўшанда, бугунгидан фарқли ўлароқ ёнимда бир шеригим ҳам бор эди. Худди шу уйга келганимизда қаршимиздаги одам ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи ўғилчасини ўйнатиб ўтирган эди. Ҳашаматли уйга кириб бошимиз айланиб қолган бўлса ҳам, тезда ўзимизга келиб олиб, бир кўз қисишиб олгач, фириб беришга азму қарор қилдик. У дедик, бу дедик, хуллас ўзини Жамшид деб таништирган одамни унинг ўғлига ҳасадгўй кимсалар зимдан дуо орқали зиён етказмоқчи эканлигига ишонтирдик. Якка-ягона меросхўрнинг айни кунларда бироз тоби йўқлиги ҳам бизга жуда қўл келди.

Жамшидга пахта, гугурт ва игна олиб келиши кераклигини айтдик. У ўрнидан туриб ичкарига кириб кетди. Бу орада тўрвамиз ҳам анча "семириб" қолди. Эндигина тили чиқа бошлаган болакайни гувоҳ деб ўйлаганлар эса чучварани хом санабди.

Жамшид айтган нарсаларимизни олиб келгач, чинакамига ишга киришдик. Игнани пахта ичига тиқиб, ҳозир буни ёқамиз, агар игна санглаб кетса, душманларингизнинг қилган илму-амаллари шу темир парчасига ўтади, дедик. Пахтани-ку, ёқиш ҳеч гап эмас, бироқ Жамшиднинг кўзини шамғалат қилиб, яп-янги игнани санглагани билан алмаштириб қўйиш учун бироз машаққат чекишга тўғри келди.

Кўз ўнгида содир бўлган мўъжизадан Жамшиднинг оғзи очилиб қолди. Бундан фойдаланган ҳолда уни яна аврай бошладик. Охир-оқибат у қандай қилиб, кўрасидаги энг семиз қўйни етаклаб келиб, қўлимизга тутқазганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бу икки йил аввал бўлган воқеа эди. Энди эса бир ўзимман. Жамшид ҳам ўшандан сўнг фикри тиниқлашгач, биздан қасос олишни кўнглига тугиб қўйган шекилли, ҳозир ҳам ғоят асабий кайфиятда. Мен эса қандай қилиб бу таҳликали вазиятдан қутулиб кетиш чораларини излардим. Шу пайт хаёлимга бир фикр келди. Ҳар ҳолда лўли эмасманми, индамайгина чиқиб кетишни ўзимга эп кўрмай: "Уйингизга жодуланган нарса қўмилган, оилангизга қасд қилмоқчи бўлаётган балони фақат мен даф қила оламан", - дедим дабдурустдан.

Жамшид мийиғида кулди. - "Қанақа жоду?" - сўнг жавоб беришимни ҳам кутмай, олдимга ўз шартларини қалаштира бошлади:

- Сизни ҳозир аёллар яхшилаб текширишади. Сўнг менга ўша айтган жодуни топиб берасиз. Топсангиз молхонадаги хўкиз сизга. Агар мабодо топа олмасангиз ўзим билган ишни қиламан. Шу ердан тирик чиқиб кетолмайсиз. Аввалги сафар ўғирлаб кетган нарсаларингиз бунга баҳона бўлади. Розимисиз?

Юрагим шув этиб кетди. Лекин сир бой бермадим. Айни пайтда мен учун орқага йўл йўқ эканлигини ҳам ичимдан ҳис қилиб турардим.

- Бўпти, мен розиман,-дедим бироз ўйлаб туриб.

Жамшид хотинини чақирди. У эса қўшниларини. Зум ўтмай - бир нечта хотин-халаж мени бир уйга олиб кириб "чиғириқ"дан ўтказишди. Яшириб қўйган барча жодуларим фош бўлди. Жоду деганлари аслида бир кичкина тунука парчасига қистирилган тирноқ, соч толаси ва бошқа ҳар хил нарсалардан иборат бўлади. Уларни ўзимиз ясаймиз.

Текширув тугагач, ташқарига чиқдик. Мендан топилган нарсаларни кўриб Жамшид баттар қутуриб кетди. Мен ҳам "шантаж"га ўтиб: "Булар мен халос қилган одамларнинг уйидан топилган нарсалар",-деб, уни зўрға тинчитдим.

- Бўпти, бунга ҳам розиман, - деди у. Энди мени ҳам би-и-ир халос этинг-чи?

У шундай деб менга ҳайҳотдек ҳовлисини кўрсатди. Сўнг қидиринг деб қўшиб қўйди.

Ноилож қўлимдаги ҳассани дўқ-дўқ ерга урганча қидиришга тушдим. Ортимда тўртта пойлоқчи. Ҳар бир ҳаракатим кузатувда. Бир ёқдан кун иссиқ эмасми, аъзои баданимдан тер қуйилмоқда. Бирор нарса қилишга эса имкон йўқ. Чамаси икки соатча бир нарса қидирган одам бўлиб, ҳовлида тимирскланиб юрдим. Қани энди бирор чора топила қолса.

Шу пайт лоп этиб, шаршарамисол соч толаларим орасига яшириб қўйган биттагина жодум - текширувчи аёлларнинг назаридан четда қолгани ёдимга тушди. Қувончдан осмон бўйи сакраб кетаёздим. Бироқ ўзимни босиб "изимдагиларни" чалғитиш ҳақида ўйлай бошладим. Аммо уларнинг диққати фақат менга қаратилганди. Ўйлаб-ўйлаб ўйимга ета олмасдим.

Бир пайт қарасам, ҳовли четида баҳайбат бир от боғлиқлик турибди. Унга боя ҳам назарим тушганди, лекин эътибор бермагандим. Энди эса у менга нажот фариштаси бўлиб кўрина бошлади. Секин-аста итга яқинлашиб бордим. Ит эса яқинлашганим сари менга талпиниб, ҳуради. Мен эса таваккал қилиб унга томон боравердим. Ниҳоят етдим. Ит кўйлагимдан тишлади. Мен дод дея йиқилдим-у, шу аснода барчасини уддаладим. Йиқилар чоғим сочларим орасидан жодуни олиб тўғри келган тарафга отдим ва у тушган жойни эслаб қолдим. Бахтимга буни ҳеч ким сезмади.

Мени итдан ажратиб олишгач, бироз нафасимни ростлаб олдиму, яна қидиришда давом этдим. Изимда ҳамон тўртта пойлоқчи.

Жоду тушган ерга секин яқинлашиб, уни ҳассам билан уриб тупроқ остига тиқиб юбордим. Сўнг кузатувчиларга юзландим-да: "Мана шу ернинг тупроғини олинглар",-деб кўрсатдим. Улар бир лаган тупроқни цемент супа устига олиб чиқиб, элакдан ўтказишди. Ниҳоят жоду ҳам топилди. Мен эса бундан руҳланиб, Жамшиднинг ориятини, йигитлик ғурурини қўзғайдиган гапларни қалаштира бошлади. У дастлаб тан олмаган бўлса ҳам, анчагина тўпланиб қолган одамлар ичида паст кетгиси келмади. Мардлик (менинг назаримда аҳмоқлик) қилиб, анчадан бери боқаётган хўкизнинг ипини қўлимга тутқазди.

Яхшиям жонивор анча ювош экан, йўқса бир ўзим уйга олиб кета олмас эдим».

***

Юқоридаги воқеа - бир лўлининг киракашлик билан шуғулланувчи танишимга йўл ҳақи эвазига айтиб берган иқрори, бошқача қилиб айтганда бошидан кечирганлари эди. Танишим менга ҳикоя қилиб берди. Мен эса ўз навбатида уни қаламга туширдим. Дарҳақиқат, лўлилар касб-корининг маъно-маҳзани шу.

"Бахтингдан очайми, тахтингдан очайми?" Ёки: "Ҳай-ҳай, елканга бахт қуши қўнай деб турибди-ку, нега уни учириб юбормоқчисан? Атаганингни ата-чи, сенга зиён етказмоқчи бўлган бало-қазоларни эгасига қайтариб юбораман".

Бу гапларни ҳаммамиз эшитганмиз. Уларнинг гапириш лаҳжалари ҳам жон қадар таниш. Ажабланарлиси шундаки, уларга ҳатто тасодифан йўлиқиб қолган одамга ҳам ё бирор касофат ҳуруж қилиш эҳтимоли, ё елкасига бахт қуши қўнай-қўнай деб турган бўлади. Ҳар ҳолда уларнинг фикри шундай.

Халқ орасида фолга ишонма, лекин фолсиз ҳам юрма деган нақл юради. Бунга амал қиладиганлар ҳам оз эмас. Баъзилар бирор йўқотган нарсаларини топиш илинжида, бошқа бировлар ўзини исканжага олган дардига шифо топиш учун, яна кимдир эса шунчаки қизиқиш билан фол очтиради.

Қишлоқ жойларида уларнинг олдига боришнинг ҳожати йўқ. Томдан тараш тушгандек, дарвозангиз очилиб кириб келаверади. Баъзи бировларининг безбетлигини айтмайсизми?!

Ислом динида ҳам бу тоифа кишилар қаттиқ қораланади.

Уларнинг илму-амали, қудрати нималарга қодир эканини билмадим-у, ҳар ҳолда бировни бировга иссиқ-совуқ қилиб қўйиш ёки бирор кишининг душманини жувонмарг қилиш билан шуғулланувчи, эплай олмаса ҳам нияти шум бундай кимсалар жазосини Худонинг ўзи берсин.

Бу менинг фикрим, сиз нима дейсиз азиз муштарийлар?

Иноможон АБДИЕВ

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ТЕНГИМНИ ИЗЛАБ КЕЛДИМ

- Мен Сурхондарёдан Содиқов Шавкатман,-дея сўз бошлади 30 ёшлардаги йигит. - Ўн йилдирки Тошкентдаги заводлардан бирида, қўриқлаш бўлимида ишлайман. Завод томонидан умумий яшаш жойидан хона беришди, топганим бир оилани тебратишга етади. Мен тенгилар 2-3 та болали бўлишган, аммо менинг ҳали тайинли оилам йўқ. Ичиш, чекишдан йироқман. Шу оқ кўнгиллигим сабаб, балки панд егандирман. Хотинимнинг хиёнати туфайли бош кўтаролмай қолдим, дунёга сиғмай кетаяпман.

- Аввало соғ-омонлигингизнинг ўзи катта бахт, бир хиёнат туфайли ҳаёт тўхтаб қолмайди-ку...

- Бир кун опам қўнғироқ қилиб, бир-икки жойдан қиз топишганлигини, бориб кўришимни айтди. Бордим. 17 ёшли Саида исмли қиз жуда чиройли ва уятчан кўринди кўзимга. Кейин суриштирсам, онаси енгилтаклиги сабаб, отаси билан ажрашиб кетишган экан. Уйдагилар: "Сен онаси билан эмас, қизи билан яшайсанку", - дейишди. Шундай қилиб турмуш қурадиган бўлдик. Мен унга ўзимнинг шароитимни тушунтирдим, ҳеч қачон мени алдамаслигини уқтирдим. Тўйдан бир ҳафта ўтиб, биз Тошкентга келдик. Аммо...

Бир ёстиққа бош қўйганимизга ҳеч қанча бўлмасдан хотинимнинг юриш-туриши ўзгариб қолди. Мен эса унинг бу ҳолатини ёшлик, келинлик ҳаваси бўлса керак, деб тушунибман. Энди унинг ибосидан, сариштали-гидан асар ҳам қолмаган эди. Ишдан чарчаб келганимда овқат тайёр эмас, кийимларим

тоғорада ҳафталаб ётар эди. Унга бу ишларнинг нотўғри эканлигини ётиғи билан тушунтира бошладим. Афсуски у эшитишни ҳам хоҳламади. Кунларнинг бирида бир ўртоғим билан Сурхондарёга бориб келишимни айтиб чиқиб кетдим. Аммо дўстим фикридан қайтиб қолганлиги сабаб бўлиб, ярим тунда уйга қайтиб келдим ва не кўз билан кўрайки хотиним бир эркак билан...

Шу сабаб бўлиб, у билан ажрашдик...

- Ҳали ҳаёт олдинда. Сиз ҳеч ҳам тушкунликка тушманг, -дейман мен кўзларида ёш халқаланиб, овози бўғилиб кела бошлаган йигитга.

- Ўйлаб қарасам у қиз оила қуриб, фарзандлар орттириб, бахтли яшаш учун эмас, Тошкентга келиб айшу ишрат суриш учун эрга теккан экан. Майли, ҳар ким ўзи учун жавобгар. Бу ерга келишимдан мақсад—мен каби тухматга учраб, дили вайрон бўлган, ноҳақликдан, қийналган аёл билан турмуш қуриш.

- Истагандек тенгингиз сизни қаердан топади?

- Иложи бўлса шу газета таҳририятига мурожаат қилишса. Агар вилоятлардан бўлса, бирорта яқин одами билан Тошкентга келишсин, танишиб, синашиб, менинг шароитимни кўришсин. Уйлангандан кейин иш хонам бир хонамни иккита қилиб беришмоқчи. Агар сариштали аёл бўлса топганимни тўплаб уй ҳам сотиб олармиз.

Шавкат билан суҳбатлашиб, унинг содда, самимий йигитлигига иқрор бўлдим ҳамда унинг қадрига етадиган тенги чиқишини истаб қолдим.

М. ШУКУРОВА

Қўнғироқларингиз...

ЎЗ ОНАМГА БЕГОНАДЕКМАН

- Қалбимни қийнаётган изтиробларни айтганим билан онам тўғри тушунмайди,-дея сўз бошлади қўнғироқ қилаётган қиз.

- Эсимни танибманки онам билан бирор марта она-боладек юракдан дардлашганимни эслай олмайман. Авваллари бирор хатоим учун урушсалар дарров унутардим. Ҳозир бирор қалтис гап гапирсалар ҳам юрагимга оғир ботади. Онам эса менга бегонадек туюлаверади. Менга ҳали ҳам ёш боладек мурожат қилишлари, бепарволиликлари кўнглимни оғритади. Ҳатто онамга биринчи муҳаббатимни ҳам айтмаганман.

- Онангиз буни сезмаганми?

- 15 ёшимда синфдошим Зокирни қаттиқ севиб қолганман. Онам буни сезиб мени мактабдан маълум вақтгача олиб қолдилар. Зокирни эса синфдошларим ичида изза қилиб келибдилар. Шундан кейин Зокир менга бурилиб ҳам қарамади. Фақат синфдош қиздан уни ҳол-аҳволини сўраб-суриштириб турардим. Зокирни жуда соғиниб, кўргим келганидан касал ҳам бўлиб қолганман. Онам мени тўғри тушуниш ўрнига туйғуларимга қарши чиқиб, отамга ҳам айтиб берган. Онамнинг бундай шавқатсизлигини унута олмайман.

- Зокир билан муносабатингиз қандай якун топди?

- Зокир мактабни тугатгач Олий ўқув юртига ўқишга кирди. Энди у билан ҳеч қачон учрашмасак керак деб ўйлагандим. Бир куни Зокир никоҳ тўйига таклифнома бериш учун мени излаб келди. Зокирни кўриб юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Начора унга бахт тилашдан ўзгаси қўлимдан келмасди. Онам бу хабарни эшитиб, менга далда бериш ўрнига "Севганинг сени ташлаб бошқасига уйланаяти. Сенга энди ким ҳам уйланарди" деб таъна қилдилар.

- Она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Балки сиз онангизни тушунишга ҳаракат қилмагандирсиз?

- Онам "Сен қўшни қизга ўхшамайсан. У одобли, чиройли, чаққон", деб камситардилар. Ҳаттоки дугоналарим келса эшикдан қувиб солардилар. Энди онам Зокирга зарда қилиб, холамнинг ўғли-Фарҳодга турмушга бермоқчи.

- Балки унга турмушга чиқсангиз бахтли яшаб кетармидингиз...

- Мен Фарҳод билан ёшликдан ака-сингилдек ўсганмиз. Қолаверса, бир девор қўшнимиз. У билан оила қуриш тасаввуримга ҳам сиғмайди. Ундан ташқари ўртада қариндош-уруғ ришталари бор. Фарҳодни ҳеч қачон севолмайман. Чунки, қалбимдаги армонли муҳаббатнинг излари ҳали ўчмаган.

- Энди нима қилмоқчисиз?

- Ёшим 20 да. Ҳали бирор касб-ҳунарнинг бошини тутганим йўқ. Бирор олийгоҳда ўқимоқчиман. Балки ҳаёт йўлимда кўнглимни топадиган йигит учраб қолар. Онам мени мажбуран эмас, барча оналар каби орзу-ҳавас, яхши ниятлар билан турмушга чиқаришини истайман. Онажоним мени тўғри тушунса, ҳеч қачон юзини ерга қаратамайман.

Лобархонинг бошига тушган бундай ҳолатда кимнинг айби кўпроқ... Бунга сизнинг фикрингиз қандай?

Адиба УМИРОВА.

КУЁВИМИЗ ЎҚИМИШЛИ БЎЛИШИ КЕРАК!

- Икки йилдан буён ўғлим ўқишга кира олмайди. Мана, бу йил ҳам омади келмади. Мени шу нарса қийнайди, - дея куйиниб гапира бошлади, Сарвиноз исмли аёл. Мен унга:

- Нима учун бунча куйиб-пишасиз? Атрофга бир қаранг! ёшларнинг бири сотувчи, бири тадбиркор, яна бири эса компьютерчилик қилаяпти. Ҳаётларидан мамнун. Сизнинг ўғлингиз ҳам ўз истеъдодига яраша бир касб-корни эгаллар ҳали, - дедим.

Аёл эса сўзларимни жимгина тингларкан, чуқур хўрсинди. Кўзларига ёш олди. Сўнг:

- Аслини олганда-ку, менга ҳам барибир. Аммо, у бир қиз билан мактаб давридан гаплашиб юрарди. Ўша қизга оғиз солиб қўйгандик. Улар ўқишга киришлари билан тўй қилмоқчи эдик. Ўтган йили бўлажак келинимиз Дилноза ТошМига ўқишга кирди. Ўғлим Зафарга эса талаба бўлиш насиб этмади. Биз эса дадаси билан уларнинг тўйини ўтказиш тараддудига тушдик.

Зафаржон эса кейинги йилга кирар, деб хотиржам эдик. Ана шу мақсадда бўлажак қудаларимизнинг эшигига фотиҳа қилиш учун бордик. Ўтган гал бизни қучоқ очиб кутиб олган қизнинг ота-онаси эса хушламайроқ кутиб олишди.

Биз эса сир бой бермай гапнигапга қовуштиришга уринардик. Лекин ҳаммаси бекор кетди. Улар ортиқча ҳазил-мутойибага берилмай расмий гап-сўздан нарига ўтишмасди.

- Тўй ҳақида гаплаша олдингларми?

- Гап тўйга келиб тақалиши билан эр ёки хотин индамай кўчага чиқиб кетишарди. Биз бўш келмасликка ҳаракат қилиб, ялина бошладик ҳам.

Бир пайт эрим ҳеч нарса бўлмагандек яна тўйдан гап очганди улар яна ҳовлига чиқиб кетишди.

Бундан жаҳли чиққан эрим менга:

- Бор онаси, ўша ёқда аёли билан гаплашиб кел. Тағин оғзимдан ножўя гап чиқиб кетмасин. Фарзандим ҳаққи ҳаммасига чидайман-да. Бу хонадондан ўз обрў-эътиборимиз билан чиқиб кетайлик, - деди.

Ўзим ҳам анча мулзам эдим, бироқ буни эримга сездирмадим-да, аста туриб ҳовлига чиқдим. Қалин ишкомнинг ортидаги чароғон супада улар гаплашиб туриш, овозлари менга эшитилиб турарди. Мен жойимда қотдим.

- Уларга берадиган қизим йўқ. Ўқишга кира олмаган йигитдан нима кутиш мумкин? Қизингга айт, у билан алоқани узсин. Сўраётганлар сон мингта. Калласида алиф йўқдирки, бу йил ҳам ўқишга кира олмабди. Янаги йилга кириши ҳам гумон. Кейин нима қилади? Бор, кириб айт, - дерди зуғум билан хотинига. Хотини эса ботинмайгина:

- Адаси, олдин қизингиз билан гаплашиб олайлик. Уларга жавоб бериш қийин эмас... Тағин, - деди.

- Нима тағин? Айтиб қўяй бир гап бўлса, иккалангни...

Шу пайт йиғи аралаш бўғзимга келиб қадалган йўтални тўхтата олмай қолдим. Овозимни эшитиб улар дарров ошхонага йўналишди. Мен уйга киргач эримга:

- Дадаси, туринг, тезроқ уйга кета қолайлик! - дея зорландим. Мендаги бу ўзгаришдан эрим ҳайрон қолса-да, индамади. Туришга чоғланаётганимизда уй эгалари кириб келишди.

Ортиқча мулозаматсиз фотиҳа қилингач, улар билан совуққина хайрлашиб, индамай уйдан чиққачгина йиғига зўр бердим.

Уйга борганимиздан кейин бор эшитган гапимни эримга айтдим. У ҳам анча хафа бўлди.

Зафаржонга ҳамммасини тушунтирдик. Ўғлим индамади. Ўқишга кира олмаганидан сиқиларди у ҳам. Зафаржон компьютерни мукаммал ўрганиб олган ва банклардан бирига қатнаб, иш ўрганаётганди.

- Қиз билан орани очиқ қилдими ёки?...

- Ана шунисига куямиз-да. Бизни шунча оёқ ости қилган одамларнинг қизига юрагини бериб қўйган эканми, ажралишиб кетиши қийин бўлаяпти. Дилноза яхши қиз, ўғлим билан тез-тез гаплашиб туришади.

Балки кейинги йили ўқишга ҳам кириб кетар. Бироқ ўқишга кира олмагани учун бахти ундан юз ўгирмасайди, деб қўрқаяпмиз-да. Йўқ, албатта. Бир-бирига муносиб жигарбандларимизнинг тўйини қилишимизга наҳотки ўғлимнинг ўқишга кира олмагани тўсиқ бўлаверса?..

Азизлар! Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? Ота қизини ўқимаган йигитга бермасдан тўғри иш қилаяптими? Ёки...

БАСИРА

ҲАР КИМ ИЗЗАТИНИ БИЛСИН

"Меҳмондўстлик яхши, аммо...", 29-сон

ЭСЛАТМА: Меҳмондўстлигимиз энг яхши одатларимиздан бири. Аммо меҳмон одоби деган тушунчамиз ҳам сақланиб қолаяптимикан? Афсуски, баъзан мезбоннинг оиласида жуда хунук ҳолатларга сабаб бўлаётган «меҳмон»лар ҳам учраб туради.

Муаллиф: Насиба РИЗАЕВА.

Насиба Ризаеванинг меҳмондўстлик мавзуидаги мақоласи мулоҳаза юритишга лойиқ.

Бу тириклик дунёсига ҳамма меҳмон. Шариатда турмушга чиққан қизнинг ҳафтада бир марта жума (ёки қулай бир кунда) куни ота-онасини кўриб келишга уч соатга рухсат этилади. Вақт шунчалик чегараланган. Меҳмонлик иззати уч кун, деган гап бор. Бу катта имтиёз. Олис Америкода меҳмон бориши аниқ бўлгач, уни қабул қилиб дийдорлашиш учун вақт белгилангач таклиф қилинаркан. У ёқда вақтнинг қадрига етишаркан.

Ҳар бир оила бир давлат. Оила соҳиби ва соҳибаси шу салтанатнинг эгаси. Кеча-кундуз ё ҳафталаб меҳмон бўлиш ўша салтанат тартиблари, турмуш тарзларига таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Бирор киши чақирса шахсий, у хоҳлаган меҳмонсан. Ўзинг борсанг, Худо юборган меҳмонсан. Икки ҳолатда ҳам одам ўз иззатини билса яхши-да. Қадрли, ҳурматли бўласан.

Оллоҳга шукр! Беминнат меҳмонхона, ётоқхона, ижарахоналар бор. Имкон даражасида шулардан фойдаланиб, қариндошларнинг яшаш тарзларига таъсир кўрсатмаслик керак. Бу меҳмонга борма дегани эмас. Дийдорлашиб, аҳвол сўраб туриш, оқибатли, меҳрли бўлиш керак.

КЎККЎРҒОНИЙ,
Қарши шаҳри.

Халқимизда "Яхшидан от қолади, ёмондан дод", - деган нақл бор. Кимдир бу дунёда яхши ном қолдиришга, ҳурмат қозонишга интилиб яшайди.

Бир одамни билардим. Вақт-соати етиб шу одам омонатини топширди. Аслида марҳумлар шаънига ёмон гапириш тўғри бўлмайди-ю, лекин ўша одамнинг ҳаёти кимларгадир сабоқ бўлса ажабмас. Хуллас, ўша кишининг вафотидан сўнг жанозага борган одамлар: "Фалончи отани ер қабул қилмабди. Уч марта қайтибди", - дейишди. Кейинчалик ўша кимса ҳақида тоғам айтиб берди.

"Кўп ёмонликлар қилгандим..." 29-сон

ЭСЛАТМА: Мен дунёдаги энг ёмон, ичи қора, ҳасадгўй инсонман. 59 ёшга кирган бўлсам ҳам, бирор кишига яхшилик қилмаганман. Охир-оқибат оғир касалликка йўлиқдим. Ҳолимдан ҳеч ким хабар олмайди.

Муаллиф: Қ. Х.
Андижон, Асака туманы.

ЯХШИДАН ОТ...

Тоғам маҳаллада машҳур дурадгор уста бўлган. Бир куни уйига ўша одам келиб, иморатига эшик-ром ясаб беришларини илтимос қилибди. Тоғам рози бўлибди. Лекин ҳозирча бошқа одамнинг уйидан иш олиб қўйганлиги-ю, бирон ҳафталардан кейин у кишиникига ўтишини айтибди. Ажабки, эртасигаёқ буюртмачи келиб, тоғамга бошқа ишчи ёллаганини хабар қилибди. Тоғам эса ўша бахил кишининг уйига бориб ишни давом эттирибди. Кейинроқ билса у киши ўз ишини битириш учун буюртмачига ёлғон гапириб тоғамни ёмонлаган экан.

Ўша хасис кишининг уйи ёнидан кичкинагина кўча ўтган экан. Лекин бу кўчадан ҳеч кимни ўтказмас, қўшнилар катта йўлдан айланиб ўтишга мажбур бўларкан. Айтишларича: "Йўл бермаганга гўр бермас", экан. Балки юқоридаги воқеага шу ҳам бир сабаб бўлгандир.

Яна эшитишимча, ўша кишидан қолган 9 фарзандниг бирортаси ҳам уйлижойли бўлиб, ўзидан тинмаган экан.

Аввалари ота-она ризолигини олиш ҳақида кўпгина ривояту ҳикояларни эшитгандим. Энди билсам, фарзандлар, кўни-қўшнилар, ҳатто ҳаётимизнинг кичик-кичик йўлакчаларида ҳамроҳлик қилган, боринг-чи, шунчаки дуч келган инсонларни ҳам рози қилиб кетишимиз шарт экан.

Сўнгги сўз ўрнида таъкидламоқчи бўлганим шуки, ҳали фурсатимиз бор экан, албатта айбларимизни ювишимиз керак. Менимча, инсон кўнгилнинг эмас, виждоннинг буюрганини қилиши керак. Чунки кўнглимиз бизни эркалатиб юборади. Виждон эса энг яхши тарбиячидир.

Дилдора АБДУМУТАЛ қизи,
ТошДШИ талабаси.

Ҳурматли синглим Мастурахон. Сизнинг юрак дардингизни ўқиб ўйланиб қолдим. Ўзим ҳам аёл бўлганлигим, бу ҳаётда анча-мунча нарсаларни кўриб қўйганлигим учун ҳам сизни яхши тушуниб турибман. Сизни хеч нарсада айблаб бўлмайди. Буни ҳаёт дейдилар. Тақдир деган чизиқдан юриб ўтмай иложимиз йўқ. Аммо мен сиз назардан қочирган бир нарсани англаб қолдим-ки, жуда яхши билади. Айнан мана шу икки ҳолат унинг қалбини жунбушга келтирган. Ўз отаси томон кучли интилишига сабаб бўлган, мажбур қилган куч оддий инстинкт холос. Қиз буни тушунмаяпти. Шу сабабли ўз отасининг унга бўлган совуқ муносабатини хақорат деб қабул қилганига ва нафратланишига қарамай табиий туйғунинг барибир устун келаётгани, отасига томон тортаётгани унга алам қилади. Бунинг устига хозирги

СИЗ АЯМАСАНГИЗ, КИМ АЯЙДИ?

Акс-садо

"Юрагимга қарши яшолмайман"-33-сон

ЭСЛАТМА: Иккинчи турмушимдан розиман. Эрим жуда диёнатли инсон. Аммо мени қийнаётган нарса қизим билан ўгай отасининг орасидаги тушунмовчилик. Яқинда қизим менга: «Ё мени танланг, ё эрингизни», деди. Мен эса нима қилишга ҳайронман.

Муаллиф: Адиба УМИРОВА

буни айтиб огоҳлантиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб билдим. Келинг, бу масалага шунчаки ёндошмай, чуқурроқ тахлил қилиб кўрайлик. Қийналиб бўлсада қизингизни зориқтирмай, бағрингизда ўстирибсиз. Кечроқ бўлса-да сизни тушунган, кўнглингиздагидай турмуш ўртоқ топибсиз. Бу жуда яхши. Аммо, бу яхши ўзгариш қизингизнинг 14-ёшида, ёшига эътибор беринг-а, 14-ёшида рўй берган. Сизнинг биринчи муаммонгиз айнан мана шу. Қизингизнинг айни ўтиш даври, қийин палласида ҳаётидаги бу ўзгариш рўй берган. Бу ёшда барча ўсмирлар руҳиятида кучли ўзгаришлар, қарама-қаршиликлар, тушунмовчиликлар содир бўлиши ҳаммага кундай равшан. Кўрдингизми, усиз ҳам қийналаётган қизингизнинг ташвишини ўзингиз англамаган ҳолда икки ҳисса қилиб қўйгансиз. "Ўгай отасига "дада" демасада муносабати яхши эди", дегансиз. Қизингиз кутилмаганда оталик бўлиш туйғусини бироз бўлса-да татиб кўргач ўзининг чин отасини ҳам топиб бу туйғуни мукаммал ҳис қилгиси келган ва шу баробарида ўз отаси томонидан рад этилгани унга жуда қаттиқ таъсир қилган. У ҳозирги отасининг яхшилигини отасининг унга нисбатан самимийлиги эса аламини баттар қўзғатаяпти. Биринчидан, гўё ўз отасининг виждонсизлигига хозирги отанинг яхши муносабати сабаб бўлиб туюлади. Гўёки бунисининг яхшилиги учун униси ёмондек. Иккинчидан, энг алам қиладигани нега айнан шу яхши ота ўз отаси эмас? Нега? Унинг муаммоси худди мана шу чигал ва у еча олмаётган тақдирга қаратилган нафратидадир. У ўз қалбидаги ғалаёнларга тушунмаяпти. Шу нарса уни қийнаяпти. Қизингиз руҳиятидаги бу ноаниқликка чек қўймоқчи, ундан қутулишни хоҳлайди. Ўгай отадан сизни ажратиб олиш орқали муаммосини ҳал қилмоқчи. Шундай бўлса ҳаммаси ўз ўрнига тушади, деб ўйлайди. Тўрт йилдан бери бу ички курашга чидаб келаётганининг сабаби—шу умидида. Қизингиз эрка, тантиқ бўлса ҳам ақлли, сезгир экан. Бўлмаса бу нарсаларга унча ҳам эътибор бермасди. Бу изтиробларнинг сабабини англаб етишга ҳали у ёшлик қилади. Турмуш ўртоғингиз тушунган сабр-тоқатли одам экан. Иккалангиз келишган ҳолда бироз муддатга алоҳида яшаб туришга келишсангиз тўғри бўларди, деб ўйлайман. Қизингиз вояга етиб қолибди. Ҳадемай тенги топиб узатиб юборасиз. Қиз бола бировнинг хасми, сиз билан бир умр қолмайди-ку. У турмуш қургач, эркак ва аёл ўртасидаги муҳим ва оддий зарурият-ларни тушуниб етади ва албатта сизга ён босади. Шундай бўлмаган тақдирда ҳам ўз рўзғори, болачақа ташвиши билан андармон бўлиб, сизнинг турмушингизга унча ҳам аралашмай қўяди. Шунинг учун оз муддат сабр қилинг ва қизингизнинг кўнглига қарашга ҳаракат қилинг. Шундай бўлса, балки у сиз кутганингиздан ҳам эртароқ хатосини англаб етар. Қизингизнинг ҳаётини изга солиб олганингиздан кейин, сиз бемалол суянган, ишонган одамингиз билан яна турмушингизни тиклаб оласиз. Гап фақат Лазиз акангизнинг сизни қандай тушунишида. Билишимизча, у киши сизни ташлаб қўймади, албатта. Агар сиз эркакни танласангиз бу қароингиз, худо асрасин-у жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Қизингиз сиздан, нафақат сиздан, ҳаётида дуч келган ҳаммадан бир умр нафратланиб ўтиши эҳтимоли бор. Бу инсон хаётининг дўзахга айланиши-ку. Фарзанд ҳар бир одамнинг давомчиси. Бу ҳаёт қонуни. Қизингиз битта-ю битта давомчингиз бўла туриб, ўз томирингизга болта урмайсиз, деб умид қиламан. Уни бу қийин аҳволдан чиқиб кетишига сиз ёрдам бермасангиз ким ёрдам беради. Она бўла туриб, дилбандингизни сиз аямасангиз, ким аяйди.

Насиба РИЗАЕВА

ЯХШИ ИНСОНЛАР

"Ҳаётингиз нурга тўлсин" 25-сон

ЭСЛАТМА: Отасиз-онасиз Дилдора бийимникида чўридек ҳаёт кечирардим. Унинг номард ўғли туфайли ҳаётим барбод бўлди. Оғир аҳволда туғруқхонага келганимда Орзигул опа жонимга оро кирди, ғариб бошимни силади. Шу инсон туфайли ҳаётимга қувонч кириб келди.

Муаллиф: МУНАВВАР,
Қорақалпоғистон.

Мен Гурлан тумани туғруқхона шифокори Орзигулга жуда ҳавасим келди. Гуруч ичида қурмак бўлганидек, айрим шифокорлар беморларга айниқса, кўнгли синиқ бошпанасиз инсонларга эътибор беришмайди. Мақолада ёзилишича, Орзигул жуда ширинсўз, меҳридарё, оқ халатига доғ туширмайдиган, ажойиб аёл экан. Қизини ёлғизлигини, ҳеч кими йўқлигини билдирмай ўз қизларидан овқат бериб юборар экан. Ўз онасидай жон фидо қилиб, ёлғизлигини айбламай, кўнглини кўтариб, эсон-омон боласини бағрига босиб олишига ёрдам берибди. Ўзининг зийраклиги, шифокорга хос жонсараклиги туфайли қийин аҳволдан кутқариб қолибдилар. Орзигулга ўхшаган меҳридарё, оқ халатига доғ туширмай, инсонлар соғлиғига алоҳида эътибор берадиган шифокорлар сафи кўпаяверсин.

Паттихон САМАДОВА,
Фарғона вилояти.

КЎПАЯВЕРСИН!

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Суюкли ўғлимиз Шерконбек АБДУҚАҲҲОРОВ!

Сен жажжи дилбандимизни 4 ёшга тўлишинг билан қутлаймиз! Ортимиздан қолгувчи нури-дийдамиз, келгусида комил ва улуғ инсон бўлиб улғайгин. Бахтингдан бахтли бўлиб яшаш аянг иккимизга насиб этсин!

Аяжонинг, дадажонинг ва аканг Жавоҳирбек.

Андижон вилояти.

Суюкли қизимиз ГЎЗАЛЯ!

Сени таваллуд айёминг билан қутлаймиз! Келгусида оқила, меҳрибон ва комила қиз бўлиб улғайгин. Ҳамиша соғ-омон бўлгин! Сени жон-дилидан севгувчи

дадажонинг Воҳиджон ва ойижонинг Малоҳат.

Тошкент шаҳри.

Суянган тоғимиз, Каттақўрғон тумани марказий касалхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ҳамза ҲАМРОЕВ, меҳрибон тоғажонимизни ҳаётидаги икки муҳим воқеа—туғилган кунлари ҳамда, фарзандлари Козимбек ва Ҳумоюннинг талаба бўлганликлари муносабати билан самимий табриклаймиз!

Тоғажон, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Меҳр ила Тўмарис ва Темур.

Суюкли фарзандимиз БЕҲЗОДБЕК!

Навқирон 16 ёшинг қутлуғ бўлсин! Барча орзуларингга етгин ва ҳамиша соғ бўлгин.

Яқинларинг номидан отанг Иброҳимжон.

Муҳтарама онажонимиз ДИЛОРОМ БОНУ!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан ва мустақиллик байрами билан муборакбод этамиз! Фарзандлару набираларингизнинг роҳатини кўриб юринг!

Жигарбандларингиз номидан келинингиз Озода.

Тошкент шаҳри.

ЭЪЛОНЛАР!

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1.Тикувчилик - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамшралик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Тиббий массаж - 2 ой (амалиёт билан) 4. торт ва пиширикла - 2 ой. 5. Пиширикла олий курс 1 ой. 6. Уйғурча таомлар ва салатлар - 1 ой. 7. Сартарошлик - 3 ой (аёллар учун. 8. Парда ва чойшаблар - 1 ой (амалиёт билан. 9. Сартарошлик - 2 ой (ўғил болалар учун). 10. Каштачилик - 3 ой. (машинкада вишивка. 11. Инглиз тили - 3 ой (бошловчилар учун 6 ой). 12. Рус тили - 3 ой. (бошловчилар учун 6 ой). 13. Бисер тикиш - 2 ой (яъни мунчоқ тикиш). 14. Компьютер сабоқлари - 2 ой якка тартибда. (Microsoft Windows, XP, Microsoft Office XP Professional, WINWORD, EXCEL, Power Point, Paint)

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 21-17-95.

ДОИМО АРДОҒИМИЗДА БЎЛИНГ!

Дунёда мен учун энг меҳрибон, азиз инсонлар—дадажоним, онажоним! Суянган тоғим, ишонган боғим дадажон! Кўзларида меҳр, сўзларида сеҳр бор меҳрибон онажоним. Сизлар ҳақингизда ўйласам ҳам, сўзласам ҳам қалбим фахр-ифтихорга тўлиб кетади.

Дадажон, кези келганда қаттиққўл, кези келганда кўнгли бўш, сахий, камтар инсонсиз. Меҳнатингиз орқасидан доимо ҳалол едириб, ичирдингиз. Шунинг учун бўлса керак хонадонимиздан қут-барака аримади. Биз—фарзандларингизни ҳам ҳалолликка, тўғриликка, бировнинг ҳаққидан қўрқишга ўргатдингиз. Уйда ҳам, ишхонада ҳам, маҳаллакўйдаги обрў, эътибор, иззат, ҳурматдан биз ҳам ғурурланиб юрамиз. Онажонимга бўлган меҳр-муҳаббатингиздан биз фарзандлар яйраймиз.

Фақат сизга аталган сўзим

Онажоним, меҳрибон онажоним! Куюнсак куюниб, суюнсак биздан-да ортиқ суюнган, таърифига тил ожиз, ўхшаши йўқ буюк сиймо! Сиз ҳақингизда тўлиб-тошиб гапиргим келади. Доимо "болам, болам", деб куйиб, ёнасиз. Ҳечам ўзингиз ҳақингизда ўйламайсиз. Нафақат фарзандларга, балки келину, куёвларга ҳам бирдек меҳрибонсиз. Агар барча қайноналар сизга ўхшаганда келинлар кўзидан аччиқ ёшлар тўкилмасмиди...

Ҳеч нимага зориқмай ўсдик. Ҳозирда 6 нафаримиз уйли-жойли бўлиб, невараларингиз бағрингизни тўлдириб туришибди. Насиб этса 3 та укамни ҳам уйлантирсангиз, меҳрибон, ширинсўз, ёқимтой, меҳнатсевар келинлар ато этишини сўрайман.

Дадажон, онажон доимо биз фарзандларингиз, келину, куёвларингизнинг ардоғида бўлиб қўша қаринглар. Фақат бахтли, яхши кунларимизнинг гувоҳи бўлиб юринглар. Невара, чевара, эвара-ю, бегоналаргача кўринглар. Оллоҳдан сизларга узоқ умр, соғлик-саломатлик тилайман.

Қизингиз—САРВИНОЗ.

Қарши шаҳри.

ҚИП-ҚИЗИЛ БЎЛИБ ПИШГАН НОН

Укамни уйлантирмоқчи бўлиб қиз қидира бошладик. Шунда онам "Сен биздан анча олисда яшайсан, орқангдан излаб боришимиз қийин бўлаяпти. Кел, ўзингнинг ёнингдан келин топ. У ота-онасига борганда албатта сеникига ҳам киради. Укангнинг ҳам оёғи уйингдан узилмай қолади. Мендан кейин ҳам шу баҳонада «бордикелди»нг узилмайди," – дедилар астойдил. Бизга қўшни кўчада турадиган бир ажойиб қизни билардим. Дарров укам билан уни таништириб, уйларига одам қўйдик. Ҳамма нарса яхши кетаётгандай эди. Кейин бирдан берган совға-саломларимизни қайтариб юборишибди. Нима эмиш, йигитни кўрган баъзилар – кўриниши каттага ўхшайди, хотин қўйган бўлиб чиқмасин яна. Нега бўлмаса нотаниш, бегона жойдан қиз қидиради? – деб уларнинг юракларига ғулғула солибди.

— Ўзи шунақа гавдалик, ҳали ёш, суриштиринглар, – дейишимиз бефойда кетди.

туш таъбирномаси

Бу ёкда укам у қизни чиндан ҳам севиб қолибди. Жуда қаттиқ изтиробга тушди. Умидимизни узиб қўйган бир пайтда улардан:

— Майли, келаверишсин, биз розимиз, – деган хабар келди.

Кейин билсак, қизи ҳам, онаси ҳам бир хил туш кўришиб, ҳаяжонга тушиб қолишибди. Тушларида онам қип-қизил бир тандир пишган нонларни оппоқ дастурхонга солиб уларникига олиб борибди.

— Кўрдингизми, қандай чиройли булар. Олинглар, юз ўгирманглар, – деб ҳовлиларининг ўртасига қўйиб кетибди.

Улар ҳозир жуда чиройли ҳаёт кечиришмоқда. Тушдаги нон улуғ ризқдан, бахт-саодатдан нишона эканлигини келиним ўша пайтда фаҳмлаган экан. Қизиғи, онам бу дунёдан ўтиб кетган бўлсалар-да, ҳалигача ўша келиннинг тушига кириб маслаҳат беради. У эса сўзсиз уни бажаради. Ҳамманинг тушида қип-қизил нонлар-у, ўнгида улуғ ризқ насиб этсин.

Насиба РИЗАЕВА

«Оила ва жамият» ўгитномаси

Дўстлар даврасида очилар кўнглим,
Эзгулик гулшани нақадар сўлим.
Бир оғиз ширин сўз болдан тотлироқ,
Яхшилар олдида кўксимда қўлим.

ХХХ

Ўзгаларга эмас, ўзингга ишон,
Рашк ўти солмасин кўнглимга кишан.
Ғийбатчи аҳлига кўп қулоқ тутсанг,
Уларга доимо бўлурсан нишон.

Чақишни билмасанг ҳаёт мазмуни,
Яшашнинг қолмайди унда маъмуни.
"Олма тиш, оғзимга туш дейдиганлар,
Очиб қолаверар доим оғзини.

ХХХ

Билганлар чиқимдан кирим қилади,
Ҳадиккан ўзига ирим қилади.
Овқатга эпи йўқ, ўчоққа ўтса,
Қозоннинг тагини қурум қилади.

Пардабой ҚУЛАТОВ

МАНГУ ҚАЛБИМИЗДА...

2004 йил 12 июн куни оиламиз учун энг оғир кун бўлди. Опажоним Тиллахон Реймова бевақт бу дунёдан мангу кўз юмди.

Опажоним жуда меҳрибон, фариштанинг ўзи эди. Ҳар йили баҳорда менга шаҳардан гул олиб келарди. У менга доимо: "Ўзингни эмас, ўзгаларга ҳамиша яхшилик қил. Ҳамма қатори сен ҳам ўз газетанг "Оила ва жамият"га ўз фикру мулоҳазаларингни ёзгин", - дерди, мен эса жўрттаэтолмасдим. Мана, энди у учун хотира ёзаяпман.

Бу айриликни кўтариш қанчалик қийин эканлигини билсангиз эди...

Опажон, сизни қаттиқ соғиндим! Исмингизни айтиб чақиргим келади. Лекин жавоб бермаслигингиздан қўрқаман. Опажон! Сиз ҳаёт бўлганингизда 31 ёшга тўлган бўлардингиз. Ўлим ҳақ экан, на илож...

Сиз мангу қалбимизда яшайсиз, опажоним менинг!..

Лиза РЕЙМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўприк тумани.

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовга падари бузруквори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Ҳамид ҒУЛОМнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУНАЖЖИМЛАР

ҚЎЙ (21.03 — 20.04).- Ҳафта сиз кутгандан ҳам кўнгилли ўтади. Ўзингиз ва мавқеингиз ҳақида яхши сўзлар эшитасиз.

СИГИР (21.04 — 21.05).
- Юрагингиз бироз безовта қилиши мумкин. Албатта шифокор кўригидан ўтишингиз керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).
- Олис сафарга отланмаганингиз маъқул. Уйда бўлиб, рўзғор ишлари билан шуғулланинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).
- Сизга туҳмат қилишлари мумкин. Шунинг учун сирларингизни ҳар кимга айтаверманг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08).- Яқинларингиз билан келишмовчилик чиқиши эҳтимоли бор. Сиз ўзингизни вазмин тутсангиз, ҳаммаси яхши бўлади.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Муҳаббат бобида омадингиз келади. Сиз ёқтирган инсон севги изҳор қилади.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Шу ҳафтада гўштли таомлардан парҳез қилишингизга тўғри келади. Акс ҳолда соғлигингизга оид муаммо туғилиши мумкин.

ЧАЁН (24.10 — 22.11).
- Кўпдан кутаётган меҳмонингиз ташриф этади. У билан орангизда ихтилоф пайдо бўлишига йўл қўйманг.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).
- Оиладаги майда-чуйда гап-сўзларга эътибор берсангиз уйингиздан барака кетади. Кўпроқ хушчақчақ бўлиб юринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).
- Мунажжимлар сизга бу ҳафтада бозорга бормаслигингизни маслаҳат беради. Катта пулдан айрилишингиз хавфи бор.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02).- Алданишдан эҳтиёт бўлинг. Кўпроқ уйда бўлганингиз маъқул. Кўчада унча омадингиз келмайди.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Афсус ва надоматлар сизни қийнайди. Бунинг устига янги уйга кўчиш муаммоси пайдо бўлади.

УШБУ СКАНВОРД «ХАЗИНА» ГАЗЕТАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

НАВОИЙ

Севги ҳам эскирди, ёшим ҳам қайтди,
Буни бир мен эмас, хотин ҳам айтди.
Лекин нима қилай, жунбушга солса -
Ҳазрат Навоийнинг ҳар сатр байти!

ШОИР

Шоирдан уялма, уйга тик бор,
Унинг кулбасида фақат ҳурлик бор.
Кўплар бахраманддир хазинасидан -
Шоир қисматида мудом ёшлик бор!

ҚОНУН

Номаҳрамга боқсанг, кўзингда гуноҳ,
Фаришташан десанг, сўзингда гуноҳ.
Табиат ҳукмида шундай қонун бор -
Яралмиш чоғингдан ўзингда гуноҳ.

ИҚРОР

Ёлғон айтсам-айтгандирман,
шеърга ёлғон айтмадим,
Бошим қўйиб аллалаган
Ерга ёлғон айтмадим.
Бу беш кунлик дунёни деб,
Ҳаққа ёлғон айтмадим,
Минбар кўрдим, давра кўрдим,
халққа ёлғон айтмадим.

АЙҒОҚЧИ

Юрак-мард суворий, ақл-тан соқчи,
Тез-тез сўраб турар: "Нима қилмоқчи?"
Юрак бир жасорат бошлаган чоғи -
Ақл орқасидан қўяр айғоқчи!

ЖОСУС

Қилиқларинг ёмон ёмондан,
Нолишингга гап йўқ замондан.
Йилтирайди мой босган кўзинг -
Билмадим, сен қайси томондан?

ХУДОНИНГ ИШИ

Иймонга келмади, ажал май сунди,
Тавба ҳам қилмасдан кўзини юмди.
Бола-чақасимас, иймонин сўраб,
Душман деб юргани ош бериб кўмди.

КАСБ ВА ШЕЪР

Ҳаёт ва шеър тўқнашди илк бор,
Бир-бирини айлади инкор.
Яшаяпмиз ҳануз келишиб -
Мен ўртада холис ҳукмдор.

ПОРА

Ёнингга йўлатма кўнгли қорани,
Нокасга йўлатма бир бечорани.
Ишни-ку битирмас, номингни сотиб -
Сенга ҳам гўнг сочиб, олар порани!

ШОИР КЕТСА

Мард инсондан қолса-ёруғ из қолар,
Отамерос элда ўгил-қиз қолар.
Шоир кетса даврон билан хўмрайиб,
Бор бойлиги - ундан улуғ сўз қолар!

БОҚИЙЛИК

Бунча турланасан ўткинчи дунё,
Тириклик бағрингда бир тутам рўё.
Қанча карвон ўтди Адан чўлидан -
Тоғлар - отамерос мозорларми ё?

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ

ДУШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Бу ҳам кино». Телесериал.
9.50 «Бизнес ҳафта».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Камалак» экрани.
11.20 «Одами эрсанг...»
11.35 ТВ анонс.
11.40 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.00 -12.10 Янгиликлар.
17.00 Янгиликлар.
«Болалар сайёраси»:
17.15 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.40 «Равнақ« студияси намойиш этади.
17.55 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
18.15 «Тақдир йўллари». Бадиий фильм. 1-қисм.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Буюк умрлар». Ҳ. Абдуллаев. 1-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.15 Эркин мавзу.
21.35 «Келин-куёв».
22.55 -23.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Иқлим.
9.00 «Давр» ҳафта ичида.
9.35 Мафтунингман, диёрим!
9.40 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
10.00 Уй вазифаси.
10.20 «Эрамиздан аввалги дунё». Илмий-оммабоп фильм.
6-қисм.
10.45 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
10.50 Кафолат.
11.05 Мен 14 ёшдаман.
11.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.30 Менимча.
11.35». Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
12.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
12.45 «Кино SMS» танлови.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 Мен 14 ёшдаман.
13.15 «Даллас». Телесериал.
14.00 «Анпанман». Мультсериал.
14.25 16 га кирмаган ким бор?.
14.45 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.05 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 Мен 14 ёшдаман.
17.20 «Янги авлод» почтаси, Шоҳсупа.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.20 Менимча.
18.25 Қишлоқ шифокори.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Кино SMS» танлови.
19.45 Ҳамкор - 2005.
19.55 ТВ-адвокат.
20.00 Спорт - лото.
20.10 «Оила тилсими». Ойбек ва Зарифа Саидносирова 1-қисм.
20.30 «Кино SMS» танлови.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси».
21. 30 «Оила тилсими». 2-қисм.
21.50 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Болажонлар экрани.
17.45 «Тенгдошлар».
18.05 «Замондошларимиз», «Ибрат».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Эътиқод».
19.30 «Табриклаймиз».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Тв плюс».
20.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.00 «Ғолибликка даъвогар» «Ёшлар даврасида».
21.15 «Пойтахт»
21.35 «Аёл мадхи», «Аёллар салтанати».
22.00 «Суюнчи». Б/ф.
23.10 «Пойтахт»

SPORTV

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар"
17.15 Теннис. Осиё чемпионати олдидан.
17.45 "Футбол плюс".
18.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги "Спортимиз маликалари".
18.50 "Жди меня".
20.00 "Вести".
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 "Хабарлар".
21.15 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги "Спортимиз одимлари".
22.40 "Проф-РИНГ".

30 КАНАЛ

16.55 – гача профилактика ишлари
16.55 – Открытие программы
17.05 – НТТ- «Мультфильм»
17.25 - «Мусиқий лахзалар»
17.45 – «Парламент соати»
18.00 – НТТ – «Жемчужина Дворца» - телесериал
19.00 - «Ошикона», мусикий дастури
19.45 – «Теле-Хамкор» - фойдали газета
20.00 - «Мусикий табассум» музыкальная передача
20.45 – «Телехамкор» фойдали газета
21.00 - НТТ - «Кунгил кучалари» телесериал 27 серия
22.00 – «Мусикий табассум» музыкальная передача
23.00 - Х/ф «Зовите Даймонда», комедия

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Приключенческий фильм «Остаться в живых». Фильм 8-й
9.40 Иронический детектив «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант»
11.00 Новости
11.10 Сильвестр Сталлоне в комедии «Стой, а то мама будет стрелять!»
12.50 «Пестрая лента». Татьяна Пельтцер
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 Премьера. «Лолита. Без комплексов»
15.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
17.40 «Убойная сила». Многосерийный фильм
18.50 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
21.30 Спецрасследование. «Черные риэлторы»
22.40 Уэсли Снайпс в остросюжетном фильме «Зона высадки»
0.30 Ребекка Де Морней в боевике «Брак по расчету»
2.00 Новости
2.05 Боевик «Брак по расчету». Окончание
2.10 Фильм «Кодовое имя «Феникс»
3.40 «Черное солнце Михаила Шолохова». Документальный фильм
4.00 Новости
4.05 «Черное солнце Михаила Шолохова». Документальный фильм. Окончание

РТР

4:00 «Доброе утро!».
7:45 Людмила Гурченко в комедии Эльдара Рязанова «Человек ниоткуда». 1961г.
9:15 «Авантюра века. Полет Руста в Москву».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
11:45 Майя Булгакова в телесериале «Возвращение Будулая».
12:50 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13:30 Николай Чиндяйкин в остросюжетном фильме «Львиная доля». 2001г.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
16:45 Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
17:45 Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-2».
20:55 Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним».
22:00 «ВЕСТИ+».
22:20 ПРЕМЬЕРА. «Одержимые дьяволом. Тайна Третьего рейха».
23:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
23:30 «Синемания».
0:00 «Дорожный патруль».
0:20 НОЧНОЙ СЕАНС. «ЗОЛОТОЙ ЛЕВ» ВЕНЕЦИАНСКОГО КИНОФЕСТИВАЛЯ. Фильм Алена Рене «В прошлом году в Мариенбаде» (Франция-Италия). 1961г.
1:55 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3:45 ВЕСТИ.

СЕШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Бу ҳам кино». Телесериал.
9.35 Доира садолари.
9.45 ТВ анонс.
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Ойижон». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
11.25 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
12.00 Янгиликлар.
12.05 ТВ анонс.
12.10 «Остонаси тиллодан».
12.30 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Қоматингдан ўргилай». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг.
спектакли. 1-қисм.
13.55 «Жавоҳир».
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Қоматингдан ўргилай». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг.
спектакли. 2-қисм.
15.10 «Портретга чизгилар».
15.30 ТВ анонс.
15.35 «Кўнгил таронаси».
15.55 ТВ анонс.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
«Болалар сайёраси»:
16.10 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.45 «Қалқон».
17.00 Янгиликлар.
17.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига. «Юксалиш».
17.40 «Шарқ тароналари» фестивали кундалиги.
18.00 ТВ анонс.
18.05 «Тақдир йўллари». Бадиий фильм. 2-қисм.
19.15 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.05 «Буюк умрлар». Ҳ. Абдуллаев. 2-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.15 «Эркин иқтисодиёт».
21.35 «Ниҳол-2005 « совриндорлари.
22.00 ТВ анонс.
22.05 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: »Осмондаги болалар». Бадиий фильм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 Мен 14 ёшдаман.
16.25 Саломатлик йўлида.
16.45 «Кино SMS» танлови.
16.50 «Мульттомоша».
17.05 «Янги авлод» студияси: Шум болалар, Ёқимли иштаҳа.
17.35 Мен 14 ёшдаман.
17.40 Равнақ.
17.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг.
14 йиллиги олдидан. Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
18.00 Наво.
18.15 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Менимча.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Менимча.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Менимча.
20.15 Ракурс.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси». (якунловчи қисм)
21.30 «Оила тилсими» 3-қисм.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Болажонлар экрани.
17.45 «Тенгдошлар».
18.20 «Ғолибликка даъвогар», «Бизнинг қизлар».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Муқаддас бурч», «Осойишталик посбонлари».
19.30 «Табриклаймиз».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Озод ва обод юрт».
20.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.00 «Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон» «Мисли гавҳар».
21.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.35 «Эътиқод».
21.55 «Алишер Навоий». Б/ф.
23.30 «Пойтахт» ахборот дастури.

SPORTV

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодрое утро".
8.45 "Хабарлар"
9.00 Мультсериал.
9.10 "Хозяйка судьбы".
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Хабарлар"
17.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги "Болалар спорти".
17.35 Жаҳон спорти: "Теннис".
18.35 "Хорошо сидим". Художественный фильм.
20.00 "Вести".
20.30 "Спорт- менинг ҳаётим".
20.45 Мусиқий дастур.
21.00 "Хабарлар".
21.15 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги "Спортимиз одимлари".
22.40 "Футбол шарҳи".
23.00 Жаҳон спорти: "Евро-футбол".
00.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 КАНАЛ

12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – «Детский час»
12.50 – «Бедная Настя».
14.00 – Х/ф «Зовите Даймонда», комедия
15.30 – «Ошикона», мусикий дастури
16.15 – «Юлдузлар табриги»
16.45 - «Теле-хамкор»
17.05 – НТТ «Мультфильм»
17.25 «Эстрада кушиклари»
17.45– НТТ «Мустакиллик байрами Арафасида»
18.00 – НТТ «Жемчужина Дворца» телесриал
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Мультфильмы»
20.00 – «Мусикий табассум»
20.45 – «Телехамкор», фойдали газета
21.00 – НТТ - «Кунгил кучалари» телесериал 28 серия
22.00 – «Мусикий табассум»
23.00 – Х/ф «Одинокий волк Маккуэйд», остросюжетный фильм

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Две судьбы - 2».
9.20 Иронический детектив «Евлампия Романова. Следствие ведет дилетант». Заключительная серия
10.30 Разведка. Версия для кино. «Адъютант его превосходительства»
11.00 Новости
11.10 Валентин Гафт в многосерийном фильме «По ту сторону волков»
12.20 Дисней-клуб: «Кряк-бряк»
12.50 Спецрасследование. «Черные риэлторы»
14.00 Новости
14.10 Премьера. «Лолита. Без комплексов»
15.00 «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
17.40 «Убойная сила». Многосерийный фильм
18.50 Премьера. «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
20.00 Время
20.30 «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
21.30 Тайны века. «Космодром. Сгоревшие заживо»
22.40 Джонни Депп в триллере Романа Поланского «Девятые врата»
1.10 Крис Кристофферсон в фильме «Танцуй со мной»
2.00 Новости
2.05 Фильм «Танцуй со мной». Окончание
3.40 Сериал «Матрица: угроза»
4.00 Новости
4.05 Сериал «Матрица: угроза». Окончание

РТР

4:00 «Доброе утро!».
7:45 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-1».
8:45 «Их могли не спасти. Узники Курильского квадрата».
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
11:45 Майя Булгакова в телесериале «Возвращение Будулая».
12:50 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13:30 ПРЕМЬЕРА. «Суд идет».
14:30 Дина Корзун в телесериале «Гражданин начальник».
15:30 ВЕСТИ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 «Кулагин и партнеры».
16:45 Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
17:45 Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-2».
20:55 Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним».
22:00 «ВЕСТИ+».
22:20 ПРЕМЬЕРА. «Программа «Время» против «Голоса Америки».
23:15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
23:30 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Чак Норрис в боевике «Обитель дьявола» (США). 2003г.
1:30 «Дорожный патруль».
1:50 «Горячая десятка».
2:45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЧОРШАНБА 31

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Шаҳидлар хотираси».
9.10 Байрамингиз кўнгилли ўтсин!
9.20 «Наволарим, сенга она юрт».
9.35 ТВ анонс.
9.40 «Яхшилар ёди».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сардор». Телевизион бадиий фильм. 1-2-қисмлар.
11.10 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
11.40 «Ҳофизлар куйлаганда». Фильм-концерт.
12.00 Янгиликлар.
12.05 Н. Рашидова. «Усмон Носир». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.10 «Оҳанглар оғушида».
13.20 ТВ анонс.
13.25 «Усмон Носир». Спектакль. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Назм ва наво».
14.45 «Сардор». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
15.20 Шаҳидлар хотираси майдонидан репортаж.
15.40 «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш. маросимидан репортаж.
17.00 Янгиликлар.
17.10 «Сардор». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
17.40 «Истиқлол мадҳи».
18.05 «Сардор». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
18.50 «Ўзлото». Телелотерея.
19.00 «Ахборот» (рус тилида)
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган. байрам тантаналари.
21.30 «Ахборот».
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган. байрам тантаналари.
00.10 – 00.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Истиқлол чечаклари.
8.45 Мен 14 ёшдаман.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.15 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
9.20 Ракурс.
9.45 Қатағон қурбонларини ёд этиш куни. «Хотира маскани» Телефильм.
10.00 Умрбоқий қўшиқлар.
10.35 Ёшлар овози.
10.55 Мен 14 ёшдаман.
11.00 «Парвоз». Видеофильм.
11.30 Мен чемпион.
11.45 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
11.50 «Семурғ». Б/ф
13.00 Давр.
13.15 Мафтунингман, диёрим! SMS танлови якунлари.
13.30 Менимча.
13.35 А. Навоий театрида «Хумо» балетининг яратилиши.
14.10 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
15.30 Мен 14 ёшдаман.
15.35 Замондошларим.
15.55 Ёнингдаги бахт.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим! SMS танлови якунлари.
16.30 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
16.40 «Мульттомоша».
16.55 Тенгдошлар.
17.15 Юртим юраги.
17.25 Ёшлар овози.
17.55 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
18.00 Давр репортаж. Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига.
18.15 Менимча.
18.20 Биздан қолажак боғлар.
19.00 Давр.
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
21.35 Замондошларим.
22.00 Давр.
22.45 «Муҳаббат синовлари». Бадиий фильм 1-қисм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.40 «Шум бола».
18.10 «Табриклаймиз».
18.40 «Пойтахт».
19.10 «Менинг замоним», «Тенгдошлар».
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган байрам тантаналари.
21.30 «Эътиқод».
21.50 «Пойтахт» .
22.20 «Мустақиллик солномаси», «Мисли гавхар».
22.40 «Мустақиллик солномаси» «Фаровонлик бекати».
23.00 «Ўзбекистон йўллари», «Ҳамшаҳарлар».
23.20 «Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон», «Аёл қалби».
00.20 «Севинч». Бадиий фильм.
1.35-1.40 Хайрли тун, шаҳрим!.

SPORTV

7.45 "Бодрое утро".
9.00 Эркин ва юнон-рум кураши. Жаҳон кубоги.
9.40 "Байрам табриги".
10.00 "Хозяйка судьбы.
10.45 "Полвонлар даврасида".
11.10-12.45 "Особенности национальной рўбалки". Х/ф.
17.00 "Хабарлар"
17.30 "Ўзбекистон ифтихори". И. Тўлаганова.
17.50 Мусиқий дастур.
18.00 "Кавказская пленница". Художественный фильм.
19.20 "Байрам табриги".
19.30 Байрам тантаналари.
21.30 "Хабарлар".
22.00 "Спорт – менинг ҳаётим". Р. Қосимжонов.
22.20 "Оғир атлетика". Осиё чемпионати.
22.50 "Полосатўй рейс". Кинокомедия.

12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – «Детский час»
12.50 – «Бедная Настя».
14.00 – Х/ф «Одинокий волк Маккуэйд».
15.30 – «Аёллар орзуси».
15.50 – Детский час.
16.45 – «Телехамкор ».
17.05 – НТТ- «Ватанимизни куйлаймиз»
17.25 «Мустакиллик наволари»
17.45 – НТТ – «Мустакиллик байрами Арафасида»
18.00 – НТТ – «Узбек эстрада юлдузларининг концерти»
18.20 «Хотира маскани»
18.35 «Мумтоз наволар»
19.00 – «Ошикона» .
19.45 - «Мультфильмы»
20.00 «Мусикий табассум»
20.45 – «Телехамкор».
21.00 – НТТ - «Концерт»
22.00 – «Мусикий табассум»
23.00 Х/ф «Мистер Джонс».

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
9.20 Андрей Краско в приключенческом сериале «Агент национальной безопасности»
10.30 Разведка. Версия для кино. «Подвиг разведчика»
11.00 Новости
11.10 Владислав Галкин, Валентин Гафт в многосерийном фильме «По ту сторону волков»
12.20 Дисней-клуб: «Кряк-бряк»
12.50 Тайны века. «Космодром. Сгоревшие заживо»
14.00 Новости
14.10 Премьера. «Лолита. Без комплексов»
15.00 «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
17.40 «Убойная сила». Многосерийный фильм
18.50 Премьера. «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
20.00 Время
20.30 Премьера. «Две судьбы - 2». Многосерийный фильм
21.30 «Рублевка. Дворцы против хижин». Документальный фильм
22.40 Мэрил Стрип в фильме «Из Африки»
1.40 Триллер «Криминальный роман»
2.00 Новости
2.05 Триллер «Криминальный роман». Окончание
3.30 Сериал «Матрица: угроза»
4.00 Новости
4.05 Сериал «Матрица: угроза». Окончание
4.10 Неизвестная планета. «Возвращение к папуасам»

4:00 «Доброе утро!».
7:45 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-1».
8:45 «Загадочная жизнь Николая Островского».
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
11:45 Майя Булгакова в телесериале «Возвращение Будулая».
12:50 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13:30 ПРЕМЬЕРА. «Суд идет».
14:30 Дина Корзун в телесериале «Гражданин начальник».
15:25 ВЕСТИ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 «Кулагин и партнеры».
16:45 Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
17:45 Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-2».
20:55 Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним».
22:00 «ВЕСТИ+».
22:20 ПРЕМЬЕРА. «Секретные сестры Терешковой».
23:15 ВЕСТИ.
23:30 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. ПРЕМИИ «ЗОЛОТОЙ ОВЕН» И «ЗОЛОТОЙ ОРЕЛ» ЗА ЛУЧШУЮ РЕЖИССЕРСКУЮ РАБОТУ. Максим Аверин и Виктория Толстоганова в фильме Вадима Абдрашитова «Магнитные бури». 2003г.
1:25 «Дорожный патруль».
1:45 «Закон и порядок»
2:40 «Ангелы Чарли». Телесериал (США).
3:20 Канал «Евроньюс»

ПАЙШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган.
байрам дастури.
«Ўзбекистон» телеканали.
6.25 Дикторлар чиқиши.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Байрамингиз кўнгилли ўтсин!
8.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
9.00 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
«Болалар сайёраси»:
9.25 1. «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Алпомиш». Мультсериал. премьераси.
2. «Ўн тўрт ёшлилар».
9.55 ТВ анонс.
10.00 «Камалак» экрани:
11.30 «Наволарим, сенга она юрт».
11.45 ТВ анонс.
11.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган байрам тантаналари (Ёзиб олинган)
13.50 «Чимилдиқ«. Бадиий фильм.
15.05 Пойтахт майдон ва сайлгоҳларидан репортаж.
15.20 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Пари момо». Бадиий фильм премьераси.
16.40 ТВ анонс.
16.45 «Ватан ҳақида қўшиқ«.
16.55 Байрам мушоираси.
17.10 Пойтахт майдон ва сайлгоҳларидан репортаж.
17.25 «Алпомиш». Мультсериал.
17.45 «Аския».
18.10 ТВ анонс.
18.15 «Алпомиш». Мультсериал.
18.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
18.45 ТВ анонс.
18.50 «Мактабга эътибор – келажакка эътибор».
19.10 Ватан ҳақида қўшиқ.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Оҳанрабо».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.45 «Оддий ҳақиқатлар».
22.20 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева.
23.00 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Дард». Бадиий фильм премьераси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърияти.
8.40 Мен 14 ёшдаман.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.10, 16.15, 19.35 ТВ - анонс.
9.15 «Томоша» гуруҳи тақдим этади.
9.45 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
9.50 Ёшлар овози.
10.10 Кулгуч.
10.30 Чемпион сирлари.
10.55 Ёнингдаги бахт.
11.00 «Кичкина табиб». Бадиий фильм.
12.30 Замондошларим.
12.50 Менимча.
12.55 Ишдан кейин.
13.15 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
13.20 ЎзТВ хазинасидан: «Ёз кунларининг бирида».
14.10 «Кино SMS» танлови.
14.15 Биздан қолажак боғлар.
14.50 «Тилсимой - ғаройиб қизалоқ«. Бадиий фильм.
16.00 Давр. Махсус сони.
16.20 Мен 14 ёшдаман.
16.25 «Азиз юртим, сени куйлайман». Рашид Ҳолиқов куйлайди.
16.55 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Менимча.
17.25 Замондошларим.
17.45 «Кино SMS» танлови.
17.50 Ҳандалак.
18.10 «Се*танҳо. Қўшиқнинг туғилиши». Мусиқий дастур.
18.50 Оқшом қўнғироқлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Мафтунингман, диёрим!
19.45 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
21.00 Оқшом қўнғироқлари.
21.05 Абдулла Қизиқ ҳангомалари.
21.35 Оқшом қўнғироқлари.
21.40 «Кино SMS» танлови.
21.45 «Ниҳол - 2005 « мукофотларини топшириш маросими.
23.05 «Муҳаббат синовлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
0.20 - 0.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 Болажонлар экрани.
17.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Эътиқод».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Шаҳар қиёфаси».
19.15 «Тошкент истиқлол йилларида».
19.30 «Табриклаймиз».
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Мен ўзбек фарзандиман». «Ибрат».
20.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.55 «Ҳамшаҳарлар».
21.15 «Аёл мадҳи», «Аёллар салтанати».
21.40 «Озод ва обод юрт».
22.00 «Тақдир». Б/ф

7.30 "Хабарлар".
8.00 "Бодрое утро".
9.00 "Хабарлар"
9.30 "От спорти бўйича жаҳон кубоги".
10.00 "Байрам табриги".
10.05 Мусиқий дастур.
10.20 "Хозяйка судьбы".
11.05 "Халқ ўйинлари".
11.25 "Ўзбек боксчилари халқаро рингда". М. Абдуллаев, Р. Чагаев, Ў. Ҳайдаров.
11.55 "Бриллиантовая рука". Кинокомедия.
13.30 "Олимпиада-2004".
14.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги "Футбол: кеча ва бугун".
14.50 "В поисках приключений".
15.35 "Ха". Маленькие комедии.
16.10 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
17.30 "Байрам табриги".
17.40 Мусиқий дастур.
18.00 "Ўзбекистон ифтихори". Муҳаммадқодир Абдуллаев.
18.30 "Операция "Ў" и другие приключения Шурика". Кинокомедия.
20.00 "Хабарлар"
20.30 "Невеста из Вуадиля". Художественнўй фильм.
21.50 Кураш бўйича халқаро турнир.
Нега буларни айтаяпман?! Бизнинг аёлларимиз минг замонавий бўлса ҳам менталитетимиз сабабми, тарбиямиз шундай бўлгани учунми юрагидаги энг муқаддас туйғуларини, сирли эҳтиросларини ҳатто турмуш ўртоқларига очиқ айта олмасликлари сир эмас. Балки эркакларимизнинг "чет"га қиё боқишларига, ҳатто кўп оилаларнинг дарз кетишига сабаб худди шу арзимаган тушунмовчилик – аёлларимизнинг ички тортинчоқлигидир. Психолог маслаҳати ёинки писихологик тажриба етишмаслиги, бу соҳа вакилларига мурожаат қила олмаслигимиз яна бир муаммо. Келинг, эркакларга айта олмаётган изҳорларимиз, таъналаримиз, талабларимизни аста шивирлаб тушунтиришга ҳаракат қилайлик.

БАХТИГУЛ.

ОТАНИНГ ИҚРОРИ

Салим отанинг ўғиллари ноқобил чиқди. Умр бўйи раҳбарлик лавозимларида ишлаб эл аро ўзига яраша обрў-эътибор топган отани эса бу кўргуликлар жон-жонидан ўтиб кетарди. Отасининг кучи билан олий даргоҳларни амал-тақал қилиб битириб чиққан ўғлонлар бир жойда на ёлчитиб ишлашди, на рўзғорлари тотув бўлди. Бировнинг боласи бўлса ҳам, келинларим сабру қаноатлик экан, дея тан оларди ота ўзича. Йиллар ўтиб тақдирларига тан беришаяптими ишқилиб, "Бош ёрилса дўппининг ичида" қабилида кун кечиришаяпти. Лекин кенжасининг омади келмайди. Отанинг унга иш сўраб бош суқмаган ташкилоти қолмади.

"Ўзбекчилик", - дея кечагина Салим отанинг ҳурматини қилган раҳбарлар, бугун уни кўрса йўлларини бошқа ёққа буриб кетадиган бўлишди. Ўғил эса қаерда ишламасин бир, икки бор маош олади ёки йўқ. Тоғдек эркак яна уйда чошгоҳгача уйқуни уради. Келини шўрлик тирикчилик дардида ўзини қаёққа уришини билмайди. "Ҳали кўзим очиқ, баъзан ўйлаб қолади Салим ота. Нафақамдан эплаб узатиб турибман. Эртага ўтиб кетсам, бу бечора набирагиналарим қандай кун кечирар экан?.." Бу ҳам етмагандек, эрка ўғилнинг аччиғи доим бурнининг учида. Бўлса-бўлмаса қўлига тушган нарсани хотинига улоқтиради. Келинчак шўрлик болаларини етаклаб неча бора араз-лаб кетади. Мунқиллаб қолган қайнонаси яна йиғлаб боргач, ноилож ортидан эргашади. У куни нафақасини олгани туман марказига борган ота нима ҳам бўлиб, китоб дўкони томон бурилди. Қизиқ, казо-казолар билан ўтириб турган, қай юртлардаги дабдабали савдо масканларини неча бора оралаган Салим отани кўримсизгина дўконнинг салобати босди. Тўғри, сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мақсадида у ҳар куни газета варақлар, лекин китоб... Қачон китоб ўқиганини у ҳеч ҳам хотирлай олмади. Ўзини ўзга бир оламга кириб қолгандек сезаётган отанинг кўзи Авлонийнинг "Танланган асарлар" тўпламига тушди. Уни қалтироқ бармоқлари билан варақлар экан, бир қўли билан кўзойнагини олиб тақди-да, шивирлаб ўқий бошлади: "Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқат-ё фалокат масаласидир". Ота бу ҳикматли иборани кўп эшитган лекин мағзини чақмаганини, гўёки энди ёши бир жойга боргандагина англаётгандек эди.

У бир йўла бир неча китоб харид қилиб уйига қайтаркан, ич-ичидан зил кетарди. Ортда ўтиб кетган умр, тан олинмаган ҳақиқатлар, бой берилган имконлар назарида уни сўроққа тутарди.

- Ҳаммасига ўзим айбдорман. "Раҳбарман", - дея кўкракни кериб юраверибман. "Ўғилларим кам бўлмасин", деб кўш-кўш иморатлар қурдирдим. Бугун уларнинг ҳеч бири, ҳатто бу биноларнинг нураб тушган жойини ҳам суваб қўйишни билишмайди. Уларнинг ҳар бирини машиналик қилдим. Бири сотиб ичди, бири қарзларига тўлади, яна бири автоҳалокатга учраб, зўрға жони омон қолди. Баобрў хонадонлардан келинлар қилдим. Минг афсус ойдай қизларнинг ранг-рўйи менинг эшигимга келиб сарғайди.

У шу хаёллар билан қўлидаги "Юз бир ҳадис"ни варақлашга тутинди: "Ота ўз ўғлига кўркам одобдан ортиқ ҳадя бера олмас". Шу ерга келганда аччиқ фарёд отанинг бўғзига тиқилгандек бўлди. Бу виждон азоби, кечириб, тузатиб бўлмас гуноҳ бутун борлиғини кемираётган дард эди.

Ойбуви ОЧИЛОВА.

БОЙЛИК ИЛИНЖИДА

ҚИССАДАН ҲИССА

- Соли аканикига тўйга-а-а-а!

Қишлоқ аҳли жарчининг бу ҳайқириғидан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Чунки ҳали кўни-кўшниларнинг ҳам айримлари ушбу янгиликдан бехабар эдилар.

- Эшитдингизми, Ғулом ота! Соли ака кичик қизини катта амалдорнинг яккаю ягона ўғлига узатаётганмиш.

- Тавба, шу Солижонга ҳеч эс кирмади, кирмади-да. Ўйламай-нетмай фарзандлари тақдирини бир зумда ҳал қиладиқўяди, - куйиб-пишиб сўзлади ёши саксонга яқинлашиб қолган отахон. - Мана, ўзинг биласан, Алишержон болам, у ёкда икки қизи, бу ёқда ўғли бир ишни ёлчитмай юришибди. Куёвларидан бири гиёҳванд бўлса, бири ичиб олиб, ҳар куни тўполон қилади. Унинг дастидан на оиласига, на маҳалла-қўйга тинчлик бор. Келини ҳам аллақайси бойнинг қизи бўлгани билан эрига ҳукмини ўтказмоқчи бўлади. Ҳар икки кунда кўч-кўронини кўтариб "кетаман"га тушиб қолади. Бойликлари милмил бўлгани билан ақллари йўқ-да.

- Эй, Ғулом ота, кўп куюнавермай, тўйни есангиз-чи!

...Феруза кечагина 11-синфни тугатган. Унинг харидори беҳисоб. Яқинда ўз қишлоғидан ақлли, келишган, ўқимишли бир йигитдан совчи келганди, отаси бермабди. Бояқиш йигит яхши кўрган эканми, онасига: "Энди ҳеч қачон уйланмайман", - деб юрган эмиш...

...Пешинга яқин қишлоққа, кўчаларни чангитиб, турнақатор безатилган енгил машиналар келиб тўхтади. Карнай-сурнайчилар-у, барабанчилар ҳув кўприкнинг устига тушиб "гат-ғут"ини бошлашди.

Қишлоқ аҳли бир тўда йигитлар орасидан куёвни қидиришди. Оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийиб, қўлида гулдаста кўтарган йигитни кўриб, барча донг қотди. Чунки, унинг бўйи жуда паст, кўзлари аланг-жаланг, оёқ босишлари ҳам беўхшов, соғлом одамга ўхшамасди. Бунинг устига оқ кўйлаги этагининг бир чети шим ичида бўлса, бир чети осилиб, шалпираб ётарди...

"Келинликнинг оқ либосию, пардоз-андоздан сўнг янаям гўзаллашиб кетган Феруза дугоналари қуршовида ҳовлига чиқди. Куёв билан ҳали бирор марта кўришмаган бўлса-да, уни кўришга қизиқмади ҳам. Лекин қизлар "куёв бола"га кўзлари тушиши биланоқ, "вой" деб юборишди.

- Феруз, одам деган ҳам шунчалик хунук бўладими-а, вой ўлай дугон, тегма унга, - деб юборди энг яқин ўртоғи Нигора.

- Тегмасам, дадам ўлдиради. Унинг дадаси қалин ошнаси бўлади, - Феруза кулимсираб сўзлади. - У ёлғиз фарзанд, дадаси шаҳарнинг "мана-ман" деган бойларидан, бутун бойлик бизга қолади, тушунаяпсанми?

- Бойлиги қурсин! Нима қиласан унинг бойлигини? - дея дугонасининг фиғони кўкка чиқди.

Феруза унга жавобан кулиб қўя қолди. Рўзғорда дадасининг айтгани-айтган, дегани-деган эканлигини изоҳлаб ўтиргиси келмади...

Дарвоқе, Солижон аканинг ҳам ўзигагина маълум орзу-армонлари бисёр эди...

...У ёшлигидан жуда ўксиб ўсди. Отаси эрта вафот этиб, тўнғич фарзанд эмасми, рўзғорнинг бутун оғирлиги онаси ва унинг зиммасига тушди. Қассобга шогирд тушиб, кунора калтак еди, таъна-дашномлар эшитди. Сотувчига ёрдам бериб, у ердан ҳам "ўғри" деган номни олиб, ҳайдалди.

"Катта бўлсам, бой бўламан, фарзандларим мен каби бир бурда нон илинжида зир югурмасинлар. Насиб этса, бой хонадонлар билан қуда бўламан", - деди. Ўзини тиклаб олиш мақсадида у бир ресторан директорига шогирд тушди. Бунга у осонликча эришгани йўқ. Хўжайиннинг ишончига кириш учун кеча-кундуз итдек ресторандаги ишни юргизиш сирларини пухта ўрганди. Ҳожасининг "чизган чизиғи"дан чиқмади. Оқибатда унинг қизига уйланди.

Ўзи жуда қийналиб ўсгани учунми, фарзандларини армонли қилгиси келмади. Уларнинг пулга, бойликка ўч бўлиб улғайишларига сабаб бўлди. Фарзандларининг қўлига ҳамиша жарақ-жарақ пул, машиналарини бериб қўйди. Икки қизини бой, тўкис хонадонга узатди-ю, куёвларининг қандайлигига қизиқиб ҳам кўрмади. "Бойлик бўлса, бўлди-да, бир умр қийналишмайди", дея хаёл қилди. Мол-дунё бахт бўлолмас экан. Бугун фарзандларининг еганлари олдида, емаганлари кетларида бўлгани билан, оилаларида ҳаловат йўқ.

Феруза шу кунларда ҳомиладор. Қайнонаси Ҳикмат опа уни еру кўкка ишонмайди. Бўйнида қалин «тросс» илондек товланади. Бармоқларида қўша-қўша узуклари, қулоғидаги зирак тез-тез алмашилади. Бироқ эри... Ҳеч соғ одамга ўхшамайди. Бачкана қилиқлари-ю, пойинтар-сойинтар сўзлари билан Ферузани жонидан безор қилиб юборади. Уйига кетай деса, бир томондан қўрқади, бир томондан шунча мол-дунё ўзга аёлнинг қўлига ўтишини истамайди.

"Поччаларимга ўхшаб ҳар балоларни чекиб, ичмайдику, шу беўхшов туриши-ю қилиқлари ёмон-да", - деб ўйлайди у.

- Келинпошша, "янгилик"ни эшитиб, аданғиз бир хурсанд бўлдилар, бир хурсанд бўлдилар, - Ҳикмат опа тилла тишларини ялтиратиб сўзлайди. - Агар келиним ўғил туғиб берса, битта "Нексия" мендан, деяптилар.

- Раҳмат, ойижон, - Ферузанинг кўзлари яшнаб кетади.

Қандай яхши, қандай бахтли-а у. Ёш боши билан шунча бойлик соҳиби. Бунинг устига яп-янги "Нексия"га ҳам эга бўлса. Феруза шу топда ўзини дунёдаги энг бахтли аёл деб ҳис қилди.

Феруза вақти-соати етиб, "Нексия"лик ҳам бўлди. Ўғлига Жавоҳирбек деб исм қўйишди. Аммо мана 4 йилдирки, гўдак ҳамон юролмайди. Бир-иккита айтадиган сўзлари ҳам аллақандай ғалати, тушуниксиз. Энди келинчакнинг кўзига қўша-қўша тақинчоқлар ҳам, қоп-қора "Нексия" ҳам кўринмай қолди.

Нуридийдасининг соғлиги, келажагини ўйлаб дарди-дунёси қоронғу. Афсуски, бу борада бойлигининг ҳам кучи етмаяпти. Бойлик дегани БАХТ дегани эмас экан. Феруза буни кеч англади...

София УЗОҚОВА,
Шаҳрисабз шаҳри.

Чайчи девона

Ҳаётнинг бир лаҳзаси

Эски тўн ва эски этик кийиб олган Найчи девона ҳар куни дарё бўйидаги омонатгина кулбасидан қишлоқ гузарига етиб келади. У тирикчиликни қарийб ўйламайди. Ўзи жуда беозор, ҳеч кимга зарари тегмайди. Икки учидан ип билан боғланган найни худди милтиққа ўхшатиб, елкасига илиб олади-да, қишлоқ кўчасидан шошилмай одимлаб келаверади.

Йўл-йўлакай Найчи девонага ҳазилхузул қилувчилар ҳам топилиб қолади. Бировлар унинг қорнини тўйғазиб қўйишади. Баъзилар уст-бош беришади. Гузарга келсаки, оч қолмайди.

Бугун ҳам Найчи девона гузарга етиб келганда, офтобга исиниб ўтиришган эрмакталаб одамлар уни савол-сўроққа тутишди. Биринчи бўлиб Акбар қассоб унинг йўлига чиқди.

- Абдумажид?! Бормисиз, ошна?! Соғинтириб қўйдингиз-ку! Келинг, бир най чалиб беринг.

Чойхонанинг сўрисида ўтирган оқсоқоллар ҳам унинг гапига қўшимча қилишди.

- "Чўли Ироқ"дан эшитайлик, биродар. Сиз бўлмасангиз зерикиб қоламиз. Найчи девона бундай мулозаматдан ўзича ғурурланиб, мамнун жилмайди. Сўнг Акбар қассобнинг дўкони ёнидаги тўнғакка ўтириб, оқсоқоллар га юзланди.

- Менинг келишимни кутиб турганмидинглар?

- Бўлмаса-чи, бочча ака,- жавоб қилди Акбар Қассоб. - Бу атрофда сизга етадиган найчи йўқ. Бу гузарни сиз обод қилиб турибсиз-да, ошна! Қани "Чўли Ироқ"дан бўлсин!

Найчи девона бу гал гузардагиларни кўпам ялинтирмади. Елкасидан ялтираб кетган қамиш найни олиб, эндигина унга пуфлаш учун шайланганида, шундоққина қассобхонанинг ёнига қоп-қора ялтираб артилган "Волга" машинаси келиб тўхтади. Ундан тушган қоп-қора шляпали, басавлат йигит виқор билан атрофга назар ташлади. Гузардагиларнинг ҳаммаси унга юзланишди. Ҳарқалай биронта амалдор бўлса керак, деган хаёлга боришди. Тўнгакка ўрнашиб олган Найчи девона ҳам унга ҳавасланиб боқди. Унинг нигоҳида шундай бир самимият ва эҳтиром бор эдики, Найчи девона бутун вужуди билан машинадан тушган йигитга маҳлиё бўлиб қолганди. Аммо у Найчи девонага эътибор ҳам бермади. Мана шу сонияда қамиш найнинг овози гузар бўйлаб янгради.

Машинадан тушган йигит Найчи томонга бепарво кўз қирини ташлаган бўлди-ю, негадир нигоҳи тундлашиб, нописандлик билан қайтиб машинага ўтирди-да, киборона ҳолатда жўнаб кетди. Акбар қассоб қўлидаги болтани кундага санчиб, оқсоқоллар томонга таажжубли назар ташлади.

- Анавини танидингларми? Турсун-ку?!

- Қайси Турсун? - сергакланди оқсоқоллар.

- Мана бу Абдумажиднинг ўғли-да! Отаси томонга қараб ҳам қўймади-я, хумпар! Вой, ғўддайган-ей! Ҳеч кимга салом ҳам бермади-я.

Оқсоқоллар Найчи девонанинг ўғли борлигини эслашди. Анча йиллар илгари қариндошлари Найчи девонани уйлантириб қўйишганди. Ўғилчалари тўрт ёшга тўлиб-тўлмай, онаси уни олиб кетиб қолганди. Шу бўйи улардан дарак бўлмади. Қишлоқдагилар уларни катта шаҳарда яшаётганини, Турсунбой амалдор бўлганини эшитиб қолишарди. Акбар қассоб уни бир бор кўрганди.

Найчи девона ҳеч нарсадан бехабар қамиш найга пуфлаб, эплаганича гузардагиларга хизмат қилаётганди. Ҳатто қамиш найнинг овози гузардан ҳам нарироққа ўтиб, қишлоқнинг анча жойигача таралаётганди.

К.НИШОНОВ.

СЕҲРЛИ ДОН — КУЧ-ҚУВВАТГА КОН

2005-йил Сиҳат — саломатлик йили

Ҳозир юртимиз хирмонлари айни дон маҳсулотлари билан тўлган палла. Бу бебаҳо табиат неъматларини озуқа сифатида жуда қадрлаймиз. Аммо, уларнинг шифобахшлик хусусиятидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз.

БУҒДОЙ - энг қадрли дон маҳсулоти. Унинг таркибида 75% углевод ва 15% оқсил мавжуд. Шунинг учун буғдой инсон учун жуда фойдали озуқа ҳисобланади.

Буғдой кепаги эса ошқозон фаолияти бузилганда даво бўлади. Айниқса ич кетиш, қоринниг дам бўлиши, ошқозон яраси, бронхит ва енгил шамоллашларда буғдой кепаги қўшилган бўтқа яхши даво бўлади. Бу бўтқани болалар ҳам, катталар ҳам истеъмол қилиши мумкин.

Буғдой донида инсон организми учун муҳим бўлган ёғлар, А, B_1, B_2, B_6, С, Е, F, РР витаминлари, темир, фтор, цинк, калий каби моддалар мавжуд.

Дон маҳсулотлари инсон учун куч-қувват бўлибгина қолмай касалликларни даволашда ҳам жуда қадрлидир.

Кўз шамоллаганда: 1 ош қошиқ янчилган буғдойга бир стакан қайнаган сув солиб, 10-15 минут паст оловда қайнатинг ва икки соат димлаб қўйинг. Тайёр бўлган дамлама билан кўзингизни кунига беш-олти марта ювинг.

Озиб кетганда: Баъзан инсон ҳаддан ташқари озиб кетади. Шунда буғдой дони ёрдам бериши мумкин. Бир ой давомида эрталаб тўшакдан турган заҳоти қуйидаги тавсия қилинган кўрсатма бўйича тайёрланган егуликни истеъмол қилинг: бир стакан буғдойга бир стакан қайнаган сув солиб 4 соат димлаб қўясиз. Кейин донни қоғоз салфеткада қуритинг ва янчинг. Унга 1 ош қошиқ асал ва сметана солиб аралаштиринг ва фойдаланинг.

Умуртқангиз оғриса: каструлга 2 литр сув солинг ва 1 ош қошиқ асал қўшиб қайнагунча оловга қўйинг. Қайнади дегунча, 4 стакан буғдой солинг ва оловни ўчиринг. Бир минутдан кейин донни сувдан ажратинг. Дон бироз совугач, оғриган жойингизга қўйинг.

Сурункали ич қотиш: Бир стакан буғдойга 3 стакан қайнаган сув солиб 8-10 соат тиндириб қўйинг ва димланган аралашмани ярим стакандан кунига уч мартадан истеъмол қилинг.

АРПА — жигар ва ўт пуфаги қандли диабет билан касалланганда жуда яхши даво бўлади.

Арпа оқсил, В, Е витаминлари, магний, темир ва цинкка бой. Айниқса таркибидаги моддалар организмда холестерин ва қанд миқдорини камайтиришда жуда катта фойда қилади.

Ўткир бронхитга чалинганда: 2 ош қошиқ арпага бир стакан совуқ сув солиб 4 соатга қўйиб қўйилади. Кейин 10 минут ўртача оловда қайнатинг. Тайёр бўлган массани тўртга бўлиб, бир кунда тўрт марта овқатдан кейин ичинг. **Муолажа 5 кун давом этади.**

Болалар асаб касалликларида: 4 стакан янчилган арпага уч литр қайноқ сув солиб, иссиқ жойда 4-5 соат димланади. Кейин 10 минут паст оловга қўйиб қўзғаб туринг. 37° ҳароратли сув солинган тоғорага тайёр бўлган аралашмани қўшинг. Куймайдиган ҳолатга келганда болани тоғорага 15-20 минут ўтқазинг.

Бўғинлар оғриганда: Бир литр совуқ сувга 4-5 чой қошиқ арпа солиб ўртача оловда яримлаб қолгунча қайнатиб, сўнгра тиндирилади. Тайёр бўлган масса икки қисмга бўлиниб, бири тушликдан олдин, иккинчиси кечки овқатдан кейин ичилади. Ушбу усулни бир йилда икки ой давомида қилинг.

Ич кетганда: 0,5 литр қайнаган сувга 3 ош қошиқ арпа солиб, 6 соат димланг. Сўнгра 15 минут ўртача оловда қайнатиб, яна 30 минут тиндиринг ва докадан ўтказинг. Бу малҳамни кунига 3-4 марта 1/3 стакандан ичилади.

МЎЪЖИЗАЛИ МАЙСА

Организмни ёшартириш, қувватга киргизиш учун ундирилган буғдой, арпа, маккажўхори, сули майсаларини истеъмол қилиш қадим-қадимдан маълум. Бу қуйидагича тайёрланади:

Эрталаб 2 ош қошиқ ювилган донга (буғдой, арпа, жўхори) қайноқ сув солинг. Устини ҳаво ўтказиш учун игна билан тешиб чиқилган целлофан билан ёпиб, қуёшга қўйинг. Бир суткадан кейин сувини тўкиб ташлаб ва яна стаканни целлофан билан ёпиб, қуёшга қўйинг. Кейинги кун дондан майса униб чиқади. Ушбу майса униб чиққан донни сут, ёнғоқ, писта билан аралаштириб истеъмол қилинг. Ёки салатларга аралаштириш ҳам мумкин.

Ниш урган донда илк ҳолатидан кўра, фермент, витаминлар ва бошқа фойдали моддалар 300 марта кўп бўлади. Бу хафақон, буйрак хасталиги касалликларига даъво бўлади. Шунингдек, инсонни доим тўқ тутади.

Донли нонушта инсултни даволайди

Бир стакан арпа ёрмасига бир стакан қайнаган сув соласиз. Кейин бир қисм майдаланган олма қоқи, 2 ош қошиқ асал ва таъбга кўра туз соласиз. Тайёр бўлган аралашмани идишга солиб яна озроқ қайнаган сув соласиз ва қиздирилган духовкага ўртача оловга қўясиз. 45 минутдан кейин тайёр бўлган таомни қайноғида истемол қиласиз.

Арпа ва карамли таом хафақонга даво

Бир ярим стакан товуқ ёки сабзавот шўрваси тайёрлаб, унга бир стакан ивитилган сули солиб ўртача оловга идишнинг қопқоғини ёпиқ ҳолатда қўйинг . Кейин тўғралган карамни солиб пишгунича қайнатинг. Таъбга кўра туз солинг. Тайёр бўлган таомни иссиқлигида истемол қилинг.

Қовурилган арпа жигарга малҳам

Тозаланган арпани қизиб турган товага солиб, паст оловда қовуринг. Дон тилла-жигар рангга киргунича тўхтовсиз қўзғаб туринг. Куйиб кетмаслиги учун доим кўз ташлаб туринг. Бу таомни икки кун музлатгичда сақлаш мумкин. Аммо қовурилган заҳоти истеъмол қилинса фойдаси кўпроқ бўлади.

тест

ОИЛАНГИЗ МУСТАҲКАММИ?

Баъзан яхшигина яшаб турган жуфтларда ҳам: "Оиламиз мустаҳкаммикан? Агар дарз кетаётган бўлса-чи?" - деган шубҳа-ю гумонлар пайдо бўлади. Хўш, буни олдиндан билиш мумкинми? Унда қандай қилиб? Ушбу саволларга жавобларни қуйидаги тест орқали билиб олишингиз мумкин.

Сизнинг фикрингизга мос келадиган саволларга жавоб беринг.

1. Сизнингча нима учун оила қурилади?

а) албатта, ҳар кимнинг ўз уйи ва фарзандлари бўлиши керак;

б) қадим замонлардан буён одамлар шундай яшаб келишгани учун;

в) ўзаро севги - муҳаббат бўлгани учун;

2. Эрингиз борлигида ўзингизни қандай ҳис этасиз?

а) хотиржам, бахтли ва эмин-эркин;

б) қўл-оёғим боғликдек ва гўё нимадир қилишни унутгандек;

в) чарчоқ ва асабий;

3. Баъзан эрингизга ёқадиган кутилмаган совғалар қилишни истайсизми?

а) йўқ, кимга нима совға қилишни келишиб оламан;

б) арзимаган нарсалар бўлса-да, эримни хурсанд қилиш ёқади;

в) кутилмаган совғани у менга қилиши керак;

4. Эрингизнинг онаси ва қариндошлари сизга қандай муносабатда бўлишади?

а) худди қизларидек яхши кўришади;

б) улар билан муносабатларимиз бир хил;

в) ўзаро тенгликни маъқуллайман;

5. Эрингиз иккингиз уйингизга меҳмон чақиришни хуш кўрасизми?

а) уйимиз ҳамиша дўстлар билан гавжум;

б) ҳа, лекин бунинг учун анча чиқимдор бўлишга тўғри келади;

в) бизникига фақат эримнинг дўстлари меҳмонга келишади;

6. Уйингизни яшаш учун қулай ва шинам бўлиши учун ҳаракат қиласизми?

а) эрим иккимиз ҳам шунга ҳаракат қиламиз;

б) бошқаларникига қарағанда яхшироқ бўлишини истаймиз;

в) уйимиз ҳамиша ҳавас қилгудек ораста;

7. Дам олиш ва бўш кунларингизни қандай ўтказасиз?

а) ҳафта давомида йиғилиб қолган юмушларимни бажараман;

б) оилавий ҳордиқ чиқаришга бағишлайман;

в) дугоналарим билан учрашаман;

8. Эрингизнинг хиёнати ҳақида нима деган бўлардингиз?

а) хоинлик деб биламан;

б) бу шунчаки кўнгилхушлик;

в) гуноҳ иш деб биламан;

Синалган ҳақиқатлар

Баҳоингиз:	а	б	в
1-чи савол:	0	1	2
2-чи савол:	1	0	2
3-чи савол:	1	0	2
4-чи савол:	0	1	2
5-чи савол:	1	0	2
6-чи савол:	0	1	2
7-чи савол:	2	0	1
8-чи савол:	0	1	2

Йиғилган балларни ҳисоблаб натижасини текширинг.

0-4 балл. Сизларнинг оилангизда ҳаммаси жойида, гоҳо арзимас муаммолар чиқиши мумкин. Сиз ўзингизга ва эрингизга бўлган туйғуларингизга ишонасиз. Эрингизнинг сизга бўлган муносабатини ўзингиз қандай бўлсангиз шундай қабул қила оласиз. Умуман олганда сизларга фақат ҳавас қилиш мумкин.

5-9 балл. Оилангиз ўзига яраша мустаҳкам. Аммо, ўзингизни бироз бўш қўйиб, эркин фикрлашишга ҳаракат қилишингиз керак. Шунда муносабатларингизнинг янги қирралари намоён бўлади.

10-16 балл. Сиз феълингизни ўзгартиришга уриниб кўришингиз керак. Акс ҳолда ўзаро келишмовчиликларингизнинг охири кўринмайди. Муносабатларингизнинг бузилиши эса ажралишгача олиб келиши мумкин. Аслида оила ва никоҳдан нимани кутаяпсиз? Шуларни аниқлаб эрингиз билан муҳокама қилиб олинг.

Саҳифани Дилроз ва Матлуба тайёрлашди.

ТАНГРИ САҚЛАГАН ОШИҚЛАР

Эфиопиядаги Нгубу қабиласи урф-одатида қизларни олиб қочиш оғир жиноят саналади. Шунга қарамай, Нажим исмли йигит, муҳаббат йўлида таваккал қилиб, Сурунг исмли севгилисини олиб қочди. Сурунгни акалари буни сезиб қолишганди. Улар дарҳол отга минишиб, қочаётганлар изидан қувиб кетишди. Аммо саҳрода бошланган чанг-тўзон севишганларнинг жонига оро кириб, уларни қўлга тушишдан сақлаб қолди. Ғазабланган ака-укалар эса Нажимнинг отаси ёнига шитоб қайтдилар.

- Ўғлинг оиламиз шаънига доғ туширди. Қасосни сендан оламиз.

Нажимнинг отаси уларга оғир-босиқлик билан жавоб қилди.

- Оқсоқолнинг олдига борайлик, у қандай қарор қилса розиман. Қабила оқсоқоли Нажим билан Сурунг қўлга тушса, оёқ-қўлларини бойлаб, саҳрога ташлаб келишга ҳукм қилди. Севишганлар чанг-тўзонда узоққа кета олмаган эдилар. Эртасигаёқ ушланиб, қаҳри қаттиқ аёнларнинг бирига топширилди. У эса иккисини саҳронинг ичкарисига ҳайдаб бориб, оёқ-қўлларини тахтакачча бойлаб, отга миниб қайтаверди.

Тақдирни қарангки, Нажим билан Сурунг ўн етти кун деганда қишлоққа қайтиб келишди. Одамлар уларни аллақачон саҳро қашқирларига ем бўлди, деб ўйлашганди. Худо сақлайман деса, ўзига осон экан. Ўша кеча саҳрога роса жала қуйибди. Нажимнинг қўлига бойланган арқон ивиб, юмшабди. У битта қўлини бўшатиб олибди...

Бироқ, севишганлар саҳродан чиқиш йўлини билмай, оч-наҳор, чанқоқ азобида сарсон кезишибди. Қабиланинг урф-одатига кўра иккиси авф этилибди. Бироқ уларнинг никоҳи қишлоқда эмас, саҳронинг четида, саҳар пайтида ўқилибди. Ана шу паллада ҳали инсу-жинслар уйғонмаган бўларкан.

Одамлар ва удумлар

ОСМОНДА ЎҚИЛГАН НИКОҲ

Одамлар довруғ чиқариш учун нималар қилишмайди дейсиз. Милан шаҳрида яшовчи, насл-насаби унчалик асилзода бўлмаган Андриано Жолини довруғ чиқаришнинг ўзига хос йўлини танлади. Яъни унаштириб қўйилган ва асли келиб чиқиши французлик бўлган Салонеза хоним билан никоҳ маросимини ердан саккиз километр баландликда ўтказишга қарор қилишди.

Орзуга айб йўқ, дейишади. Бўлғуси куёв "Милан-Париж" йўналиши бўйича учиб-қайтадиган махсус самолётни никоҳ маросимини ўтказишга ёнлади. Унда саксон киши учун базм маросими ҳозирланган эди. Италиянинг машҳур хонандалари ҳам таклиф қилинганди. Бунақа никоҳни ҳали дунё кўрмаган эди-да.

Самолёт саккиз километр юқорига кўтарилгач, руҳоний никоҳ маросимини бошлаб, куёв билан келинни эр-хотин дея эълон қилди. Андриано келиннинг бармоғига никоҳ узугини худди ўзи орзу қилгандай, булутлардан ҳам баландроқда тақиб қўйди. Бу никоҳ маросимини бир қатор телевидение компаниялари тўғридан-тўғри намойиш этди.

Самолёт Париж шаҳри устини икки марта айланиб, орқага қайтди. Бу билан гўё Салонеза хоним ўзи туғилиб ўсган шаҳардан никоҳ учун рамзий маънода розилик олгандай бўлди.

Никоҳ тантанасига 1,5 миллион доллар сарфланибди. Лекин бу чиқарилган довруғ олдида ҳеч гап эмас. Шундай бўлсада, Салонеза хоним ўзининг озгина аёлларга хос инжиқлигини ҳам намоён этибди. У никоҳ маросимини ойга бориб ўтказиб келиш имкони бўлганида, яна ҳам кўнгилдагидек бўларди, деганмиш. Майли, орзунинг бўлгани яхши. Нима бўлганда ҳам бу дунёда барча инсон ниятига етгани маъқул.

ТЎҚҚИЗ ЙИЛ КУТИЛГАН ТЎЙ

Самолёт ҳалокати туфайли Суҳайланинг ота-онаси ҳалок бўлиб, у амакисининг қўлида қолганди. Суҳайланинг ота-онасидан қолган давлат ҳам амакисининг ҳисобига ўтди. Албатта амакиси Суҳайлани вояга етказиб, куёвга узатишни ўз зиммасига олди. Вақт келиб қизалоқ вояга етди ва унга совчилар кела бошлади.

Худди ана шу кунлари Суҳайланинг амакиси касалхонага тушиб, узоқ вақт ётиб қолди. Унинг касали жиддий эди. Шифокорлар уни узоғи билан бир йил яшайди, дея ташхис қўйишди. Бу ёқда Суҳайлага Саидали исмли йигитдан совчилар келиб, иккисини унаштириб қўйишга шошира бошлашди. Сабаби куёв томондагиларнинг ҳисоб-китобига кўра, амакиси ўлса, Суҳайлага ундан яхшигина мерос қолиши кутилаётганди. Бу гап Суҳайланинг амакисини қулоғига етиб келгач, у қаттиқ ғазабланди. Ва: "Мен тирик бўлсам, никоҳ ҳам, тўй ҳам бўлмайди", - деди.

Аммо шифокорларнинг ташхиси амакининг кўш хотинидан бўлган фарзандлари ўртасида мерос талашиб, жанжалнинг бошланишига сабаб бўлди. Бундан амакининг соғлиги батартарлашди. Уйидагилар совчилар келаверишгач, амакига билдирмай, Суҳайлани Саидалига унаштириб қўйишди. Бу гап ҳам амакининг қулоғига етиб келгач, у овқат ейишдан ҳам қолди. Куёв томондагилар эса тўйни тезроқ ўтказишга ҳаракат қилиб қолишди. Чунки амаки ўладиган бўлса, Суҳайлага тегадиган мерос тақдири мушкуллашиб қолиши турган гап эди.

Тўйга ҳаракат бошланган кунларда амаки тузала бошлади. Шифокорлар энди унинг вужуди ғаройиб тарзда тозаланиб, юрак уриши яхшиланиб бораётганини таъкидлашди. У батамом соғая бошлагач, Ливан мамлакатидаги расм-русумларга биноан тўйни ўтказиш ҳақида юртнинг катта-кичиклари ўртага туша бошлади. Аммо амаки қаттиқ туриб, тўйга розилик бермай юраверди. Ана шу тариқа саккиз йилни ўтказиб қўйишди. Суҳайла 35 ёшга, бўлғувси куёв эса 40 ёшга кирди. Амакининг меросхўрлари ҳам жанжаллардан чарчади. Бироқ Суҳайла тез-тез касалга чалина бошлагач, амаки тўйга розилик берди. Унаштириб қўйилганларнинг тўйи роппа-роса тўққиз йилдан кейин ўтказилди. Мерос масаласида эса ҳеч қандай сир фош қилинмади. Ҳар қалай Саидалини тўққиз йил кутиш жараёнида сочлари тўкилиб, сийраклашиб қолганди.

КУЁВНИ ҒИШТГА ТУРҒАЗИШДИ

Хитойда Сунлар сулоласи азалдан машҳур. Бу сулола айниқса ботирликда, ватанни қўриқлашда, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатда ном таратган.

Ана шу сулоланинг анча номдор вакили оиласида Сун Сих исмли йигит улғайиб, вояга етди. Аммо бадавлат оилада таваллуд топганига қарамай, Сун Сихнинг бўйи пастроқ бўлиб қолди. Унинг оиласидагилар сулоланинг шон-шуҳратини сақлаб қолиш, яъни ҳарбийликка ярайдиган авлодни яратиш мақсадида, уни бўйдор қизларнинг бирига уйлантиришга қарор қилишди. Шундай қиз мамлакатда 40 миллиондан зиёдроқ Сун фамилияли аҳоли орасидан топилди. Қарангки, унинг фамилияси ва исми Сун Сиҳа экан. Бироқ қизнинг бўйи роппа-роса икки метр эди. Сун Сих ундан 50 сантиметр паст бўлиб, аммо иккиси учраштирилганда, бир-бирларига маъқул тушишди. Сун Сиҳа бўйдор бўлгани билан жуда соддадил ва хушмуомала эди. Иккисини унаштириб қўйишди.

Бироқ никоҳ маросимини ўтказишда кутилмаган муаммога дуч келишди. Будда динида никоҳланаётган йигит билан қизнинг бўйи ҳеч бўлмаганда тенг бўлиши керак, деган ёзилмаган ақида ҳам бор бўлиб чиқди. Аслида будда ибодатхоналарида бундай ақидага риоя қилинмайди. Йигит билан қизнинг бўйидаги фарқдан қатъий назар никоҳ ўқилаверади. Шундай бўлса-да, никоҳни амалга ошириш муддати роса бир йилга чўзилиб кетди. Сабаби Сун Сих дароз келин олдида унинг елкасидан бўлиб туришни ўзига эп кўрмай, иккилана бошлади. Унинг ота-онаси эса бўлғуси келинни жуда ёқтириб қолишганди. Фақат Сун Сих бўйдор келин билан ибодатхонага қўлтиқлашиб боришдан истиҳола қилаётганди холос.

Лекин барибир никоҳ маросими бўлди. Никоҳ будда черковида эмас, балки денгиз бўйида, очиқ ҳавода ўқилди. Сун Сихнинг оёғи остига бешта ғишт қўйишиб, унинг бўйини келиннинг бўйи билан тенглашди. Сун Сиха жуда чиройли келинчак бўлди. Иккиси ўртасидаги никоҳ маросими бир қатор журналларда ёритилди. Аммо суратларда куёвнинг оёғи остига қўйилган ғиштлар кўрсатилмади.

ЙИГИТНИ ЎЛБАРС ЕДИМИ?

Ҳиндистоннинг Пешавара штати-да ғаройиб никоҳ маросими бўлиб ўтди. Гап шундаки, қишлоққа олий маълумотли бўлиб қайтган Ружарат исмли бўйдор, келишган йигит, Каҳала исмли ҳеч қандай маълумотсиз, аммо гўзал қизни севиб қолди. Каҳала оилада саккиз ўғилнинг ичида ёлғиз қиз эди. Мактабга эса умуман бормаганди. Ўзини олий маълумотли йигит севиб қолишини ҳам хаёлига келтирмаганди. Каҳаланинг акалари совчиларга бир шарт билан розилик беришди. Демак, куёв келинни ўқимагансан, деб пешонасига "тақиллатмайди".

Эртага тўй, деган куни Ружарат йўқолиб қолса бўладими? Уни отасидан қолган фермер хўжалигига ўтиб кетганини кўришибди-ю, аммо қайтганини ҳеч ким кўрмабди. Ўрмонни кесиб ўтаётганда, йўлбарслар ҳужум қилиб, еб қўйган бўлса-я, деган шубҳа ҳаммани ҳангу-манг қилиб қўйди. Хуллас, икки ой вақт ўтиб кетсаям, Ружаратдан номнишон чиқмади. Унинг укалари ўрмонни тит-пит қилиб ташлашди. Учинчи ойга ўтиб эса, уни шаҳарда қамоқда ётганмиш деган гап-сўзлар чиқиб қолди. Ружаратнинг укалари ҳақиқатан ҳам уни қамоқдан топишди. Ўша куни у ўрмонни оралаб ўтаётганда, йўлбарслар ҳужумига рўпара келганмиш. Олишув чоғида иккита йўлбарсни ўлдириб қўйгани учун уни қамоққа солишибди. Қишлоқдагилар бу гапга чиппа-чин ишонишди.

Аслида Ружарат шаҳарда ўқиганида, ўзбошимчалик билан турмуш қурган экан. Ўша никоҳсиз хотинидан ўғилчаси ҳам бор бўлиб чиқди. Ружарат ўша куни йўлбарсларга эмас, ўша никоҳсиз хотини бошлаб келаётган полициячиларга дуч келган экан. Қишлоқда бошланган тўйдан хабар топиб, қочоқ эрни жазолашга отланган бўлиб чиқди.

Каҳаланинг акалари Ружаратни уриб ўлдиришга қарор қилишди.

Чунки уларнинг унаштириб қўйилган ёлғиз синглисининг тақдири оғир аҳволда қолганди. Бировга унаштирилган қизга бошқа йигитни уйлантиришга ҳақи йўқ эди. Лекин катта-кичик аралашиб, муроса йўлини тутишди. Ружаратнинг никоҳсиз хотинидан бўлган ўғлига фермер хўжалигининг ярми мерос қилиб берилди. Ружарат қишлоққа қайтиб, Каҳаланинг акаларидан узр сўради. Ҳар қалай тўй бўлиб ўтди. Аммо Ружаратнинг ёлғончилари унга лақаб бўлиб қолди. Қишлоқда ҳамма уни: "Иккита йўлбарсни ёлғондан ўлдирган ботир", - дея аташа бошлади. Ҳар қалай лақаб олган бўлсаям, келин-куёв тинч яшаб туришибди.

Саҳифани Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.

ТЕРИНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ, КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Ёз кунлари кўпчиликнинг тана териси қуруқлашиб, ўз кўркини йўқотади. Терини асл ҳолига келтириш учун табиий сутдан фойдаланиб қуйидагича ванна тайёрлаш мумкин:

Ваннани иссиқ (37° С- 38°С) сувга тўлдириб, унга 2-3 литр сут солинг ва шу сутли ваннада 15 дақиқа ётинг. Бундай ванна аввало қон айланишини яхшилайди, терини юмшатади, кўркамлик бағишлайди. Вақти-вақти билан яна шундай ванна қабул қилсангиз танангиз роҳат қилади ва гўзаллигингизга гўзаллик қўшилади.

МОЙЧЕЧАК ВА КЎЗЛАР



Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки - уч дона мойчечак гулини олиб устидан қайноқ сув солиб қўясиз. Илиқ ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ҳовуч мойчечакни солиб, аралаштирасиз, сўнгра ундан чиқаётган буғга 10 дақиқа давомида юзингизни тутиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун балки юз териси учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги чарчоқ ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисини тозалайди, юмшатади.

САРИМСОҚ ПИЁЗ ҲУСНБУЗАР КУШАНДАСИ

Қадимдан Хитойда тананинг тилинган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофаза этиш хусусияти кучли. Саримсоқ пиёздан балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг ҳусншузарларини йўқотишда ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун ҳусншузар чиқа бошлаши биланоқ унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб қўйиш керак.

ТУХУМ САРИҒИ — СОЧГА ЖИЛО

Тухумнинг сариғи таркибида лецитин моддаси бўлиб, у соч рангини, жилолантиради. Бундан ташқари соч тарашни осонлаштиради. Ниқоб қуйидагича тайёрланади: идишга 2 дона тухумнинг сариғи солиниб устидан 50 мл.гр. пиво солинади. Аралашма сочларга суртилади ва полиэтилен қалпоқ кийиб, рўмол билан ўраб қўйилади. 30 дақиқадан сўнг илиқ сувда сочлар чайилади. Тухумнинг сариғини ажратаётганда унга оқи аралашмасин. Акс ҳолда тайёрлаган ниқобингизнинг таркиби бузилиши ва керакли натижага эришолмаслигингиз мумкин.

БОДРИНГ ТЕРИНИ ТОЗАЛАЙДИ

Янги узилган бодрингнинг шарбати юз териси учун энг яхши тозаловчи воситадир. Янги бодрингни олиб ҳалқача шаклида юпқа қилиб кесиб чиқиб, бетингизга ёпиштириб қўясиз-да устидан сочиқни ёпиб қўйиб, (тезда қуриб қолмаслиги учун) 20 дақиқа давомида ўтирасиз, сўнгра олиб ташлайсиз.

ПЕТРУШКА ҲИДНИ ЙЎҚОТАДИ

Петрушканинг таркибида С витамини ва минерал сувлар сероб. Ҳар куни овқатдан сўнг петрушканинг бир шохчасини оғзингизга олиб чайнаш билан оғизда пайдо бўладиган нохуш ҳиднинг олдини оласиз, ҳамда бир йўла унинг таркибидаги витаминлардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда петрушкани чайнаш жуда фойдалидир.

ОЛМАНИНГ ХОСИЯТИ

Таркибида темир моддаси кўп. Уни қанчалик кўп истеъмол қилсангиз, шунчалик юз терингиз яхшиланиб боради. Олмани иккига бўлиб мағзидан юз терисини уқалашда фойдаланиш мумкин. Олма бўлаги билан юз, бўйин териларини яхшилаб уқаланг. Юз терисининг юмшоқлиги, нозиклиги ортади.

АСАЛ — ЛАБЛАР УЧУН ДАВО

Асалнинг таркиби асосан глюкоза ва фруктозадан ташкил топганлиги инсон танаси соғлиғи учун ниҳоятда фойдалидир. Унда шамоллашнинг олдини олиш, тана қувватини ошириш хусусияти кучли. Шунингдек, яраларни битишини тезлаштиради. Масалан: лаблар шамолдан ёрилиб ўз кўринишини йўқотганида асал энг яхши малҳамдир. Бунинг учун лабларга асални суртиш керак холос. Бир неча муолажадан сўнг лабдаги ёрилган жойлар битиб кетади.

АНАНАС — СЕПКИЛЛАРНИ РАНГСИЗЛАНТИРАДИ

Сепкилларни рангсизлантиришда ҳафтасига икки марта ананасдан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун 1 ош қошиқ сиқиб олинган ананас сувига 1 ош қошиқ қатиқ, 1 ош қошиқ қулупнай, 1 ош қошиқ банан ва 1 чой қошиқ асал солиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр маҳсулотни сепкиллар бор жойга суртасиз. 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташлайсиз. Ананасли ниқобни қаймоқ қўшиб ҳам тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун ананаснинг юмшоқ қисми олиниб, унга қаймоқ қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва терига суртилади.

КЎКАТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН САЛАТ

Петрушка, укроп, селдер, салат ва ҳоказоларни олиб майдалаб тўғрайсиз ва озроқ зайтун мойидан, лимон сувидан қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр салатни бетингизга суртиб 20 дақиқа давомида устидан сочиқ билан бекитиб ўтирасиз. Сўнг илиқ сувда ювиб ташлайсиз.

ЛИМОН — ТЕРИНИ ЮМШАТАДИ

Лимон шарбати ёрдамида тишдаги, тирноқлардаги доғларни кетказиш ёки оёқлар терисининг баъзи жойларида тери қалинлашиб доғдек кўринган жойларини асл ҳолига келтириши мумкин. Бунинг учун лимоннинг мағзи тирноқлар, тери устига яхшилаб суртилиб, устидан юмшатувчи крем ҳам қўйилади. Бу муолажа бир неча марта такрорланади.

ҚАЙМОҚ ЧАРЧОҚНИ ОЛАДИ

Янги қаймоқ юзга кўркамлик бахш этади, танадаги чарчоқни олади. Ярим стакан суюқроқ қаймоққа 1 чой қошиқ лимон суви қўшиб аралаштирилади, сўнгра пахта билан яхшилаб бетга суртилади. Кўзга суртмаслик керак. Лимон суви кўзни ачиштириши мумкин. Кўзга суртиш учун фақат қаймоқнинг ўзидан фойдаланиш мумкин. 20-30 дақиқадан сўнг юзингизни илиқ сув билан чайиб ташлайсиз.

АПЕЛЬСИН — ЯРАЛАРНИ ТЕЗ ТУЗАТАДИ

Апельсин шарбатидан юз ва тана терисини яхшилашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун икки дона апельсин ва озроқ мева сиркаси олинади. Апельсинлар пўсти арчилиб, шиша стаканга солинади. Устидан қўмилиб тургунча мева сиркаси қуйилиб, илиқ жойда икки ҳафта сақланади. Сўнг шарбати докадан ўтказиб олинади. Фойдаланишдан олдин албатта қайнатиб совутилган сув қўшиб кейин юз терисига суртилади. Сув қўшмасдан фойдаланиш тавсия этилмайди.



ҚАТИҚ, СУЗМА, ТВОРОГДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қатиқ нафақат юз терисини юмшатади, балки уни тозалаш ва оқартириш хусусиятига эга. Қатиқдан ниқоб тайёрлаш учун 3 ош қошиқ ёғсизроқ қатиқ олинади ва унга 1 ош қошиқ лимон суви ва қатиқнинг зардоби (суви) солинади. Сўнгра 1 чой қошиқ ўсимлик мойи солиб аралаштирилади. Тайёр ниқоб юзга суртилади ва устидан сувда намланган сочиқ билан бекитилиб, 30 дақиқа давомида ўтирилади. Сўнг илиқ сув билан чайиб ташланади.

Саҳифани Саида тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. «Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 737. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — М. ШУКУРОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 6